



Яқинда ижтимоий тармоқда эълон қилинган бир мақолани ўқиб қолдим. “Қизларингизга илм беринг! Улар миллатни тарбиялайдилар!” сарлавҳали мақолани қозоқчадан Исроил Тиллабоев таржима қилган экан.

Мақола қуйидаги жумла билан бошланади: “Биласизми, Сингапурда дипломи бор аёллар турмушга чиқсалар, давлатдан катта тўёна, агар фарзанд кўрсалар, ўқимаган бошқа аёлларга нисбатан кўпроқ суюнчи пулларини оладилар. Хўш, нима учун шунақа? Чунки буюк ислохотчи Ли Куан Ю мамлакатнинг муваффақияти авваломбор илмли, зиёли аёл-

га қаратилган. Айрим юртдошларимизнинг онгига ўрнашиб қолган “Аёл киши ўқиб дунё олиб берармиди?!” деган маҳ-



дудона қарашлар сабабли қанчадан-қанча истеъдодли, қобилиятли, тиришқоқ қизлар ўрта мактаб маълумоти билан чеғараланмоқда. Айрим ҳолларда

лим эгаллашларига катта эътибор қаратганлар.

Зайнаб ва қози Абу Жаъфар Тофжолийнинг қизи Уммул Ҳусно араб дунёсининг машҳур табибаларидан ҳисобланган. Карима Утрузия, Саййида Нафиса бинти Муҳаммад каби аёл муҳаддислар ҳам бўлган.

Масаланинг тағин бир жиҳати борки, у фақат диплом олиш билан боғлиқ эмас. Том маънодаги зиёлилик муттасил мутолаа, ўз устида ишлаш, диний ва дунёвий билимларни ошириб бориш демакдир. Агар аёл олий таълим муассасаси дипломига эга бўлса-ю, дунёқараш итарлича ривожланмаган,

“Қизлар илмли бўлса...”

лар ва оналарга боғлиқлигини тушуниб етган эди. Тарих кўрсатдики, Ли Куан Ю юз фоиз ҳақ бўлиб чиқди”.

Ушбу мақолани ўқиган ҳар қандай инсон сингапурлик аёлларга ҳавас билан қараши турган гап. Лекин фақат ҳавас билан иш битмайди. Ҳар қандай орзу ва мақсад астойдил ҳаракат билан, унга эришиш йўлидаги амалий интилиш билан аҳамиятлидир.

Кейинги йилларда аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг таълим олишларини рағбатлантириш учун талай ишлар амалга оширилди. Айниқса, ҳукумат миқёсида қабул қилинган қарорларнинг аксари яти миллат оналарининг билим олиш, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва ижтимоий фаолиятларини янада ривожлантириш-

эса юқори синф ўқувчиларининг бошини “боғлаш” орқали уларнинг олий таълим олишларига тўсқинлик қилинмоқда. Ажабки, кейинчалик уларнинг зарарларига хизмат қилаётган бундай саъй-ҳаракатлар оналар томонидан амалга оширилмоқда.

Балозирининг “Футуҳул булдан” китобида келтирилишича, мўминлар онаси Ҳафса бинти Умар розияллоҳу анҳо жоҳилиятда Шифо исми бир аёлдан ёзишни ўрганган эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳафса онамизга уйланганларидан кейин Шифони топиб, Ҳафса онамизга қандай ўргатган бўлса, бошқаларга ҳам шундай чиройли ёзишни ўргатишини буюрганлар.

Суюкли Пайғамбаримиз алайҳиссалом аёлларнинг би-

фаҳму фаросатда оқсоқ бўлса, бу ҳам нокомиллик белгиси саналади. Аксинча, маълум сабабларга кўра олий таҳсил олмаган, лекин мустақил равишда ўқиб-изланиб юрадиган, тили ва хатти-ҳаракати билан атрофга эзгулик улашадиган аёллар ҳар қандай оиланинг, ҳар қандай жамиятнинг ривожига муносиб ҳисса қўша оладилар.

Агар мўмина-муслима қизларимиз диний ва дунёвий билимлар муштараклигини таъминлай олсалар, улар яшаётган хонадон ва мамлакатда фаровонлик ҳукм суриши, тараққиёт юксалишига шубҳа йўқ!

**Холисхон
ЭРМАНБЕТОВА,**
*Наманган вилояти
Янгиқўрғон тумани
бош отинойиси*

Мундарижа



“Қизлар
илмли бўлса...”

1




Икки қиблага қараб
намоз ўқиган аёл

10




Шукроналик
насимлари

7



Онамнинг
олтин дуоси

22



Энг афзал
ибодат

4



Ўксик қалбларни
севинтирган
Аллоҳга шукр!

23

Оиланинг файзи	3
Аёлларга хос масалалар	5
Зикр этилмаган қирқ хислатнинг сири нимада?	6
Аёлингизга нафақа берасизми?	8
Ватанни унутганнинг... ..	11
Татуажнинг таҳоратга таъсири борми?	12
Онамнинг меҳри – дарё	13
Реклама инсониятни тубанликка бошляптими?	14
Ғам-андухни кетказишнинг 27 йўли .	16
Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам:	17

Ҳаё кўтарилса, иймон қолармиди?..	18
Тил мавсумий ҳодиса эмас	20
Эй қизим!	21
Xatoning yechimi nimada?	24
Бидъатларга чек қўйиш вақти келмадими?	25
Оёғингиз остига қўйинг!	26
Мавлоно Масиҳуллоҳ Хон онаси	27
Наслингиз ва аслингизни бузманг! ...	28
Болага муҳитнинг таъсири	29
Ўгай она	30
Она ва бола саломатлиги	32

Оиланинг файзи

Оила – мисоли қўрғон. Бу қўрғоннинг мустаҳкам бўлиши бир жиҳатдан қайнона-келин муносабатларига боғлиқ. Қайнона оқила, тадбирли бўлса, келин шу уйда туп қўйиб, паллак ёзади. Ниҳолни бир жойдан иккинчи жойга мослаштиргунча боғбон парваришига муҳтож бўлгани каби бошқа оила муҳитида яшаган қиз ўзи келин бўлиб тушган оилага мослашиб кетиши осонмас. Баъзилар тез ўрнашиб кетишса, айримларига вақт, маълум йўл-йўриқлар лозим бўлади.

Буни тушунмаган баъзи қайноналар келинларини тезда ёмон кўриб қолади. “Биз ҳам қайнона-қайнотанинг хизматини қилганмиз”, деб келинни сиқувга олишни бошлайди. “Қайнонам билмаганимни ўргатган, йўл-йўриқ кўрсатган”, деб ўйламайди. “Сиз ҳам аста-секин ўрганиб кетасиз”, дейишни эсдан чиқариб қўяди. Аслида, келинини қизлари қаторида кўрса,

озгина меҳр берса, у ҳам оила қўрғонини кўз қорачиғидай асрашга ҳаракат қилади.

Бир оилани биламан, қайнона-келин она-боладек бўлиб кетишган. Ҳовлида бўш

Имом Термизий Ҳинд ибн Ҳоладан ривоят қилади: «Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларни улфат қилар, нафратлантормас, ҳар бир қавмнинг шарафлисига ҳурмат-эҳтиром кўрсатар, уни ўзларига бошлиқ қилар, одамлардан огоҳ ва эҳтиёт бўлар, лекин ҳеч бирларини ўзларининг очик чехралари ва гўзал хулқларидан бебаҳра қилмас эдилар».

жойнинг ўзи йўқ, гулу райҳон экилган. Тандири янги қурилгандай – нон ёпиб бўлгач, тандирни лойли сув аралашмаси билан қайта суваб қўйишади. Уй саранжом-сариршта, кўрганнинг баҳридили очилади.

Уларнинг бир-бирига бўлган меҳри билиниб туради. Қайнона жуда оқила аёл. Келинини мақтайди, фарзандларини дуо қила-

ди. Уларнинг тилидан ёмон сўз эшитмаганмиз. Бу оилада вояга етаётган ўғил-қизлар бир-биридан одобли, билимга чанқоқ. Оиладаги эркаклар хотиржам, топганида барака бор.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, баъзи қайнона-келин муносабатини кўриб кўнглингиз хира тортади. Қайнона келинга йўқ жойдан гап-сўз, ғийбат тўқиб, ғазабига эрк беради. Келин ҳам бир гапдан қолмайди. Кўзи жавдираган болалар нима қилишини билмай йиғлайди, руҳан эзилиб катта бўлишади. Ота-ўғил аросатда. Эртага эса қуш уясида кўрганини қилади.

Демак, оналар қизларининг тарбиясига эътиборли бўлиши лозим. Қайноналар ҳам муроса қилишни ўрганиши керак. Оиладаги мустаҳкамлик ҳар иккисига ҳам боғлиқ. Шундагина оилада файз бўлади.

Саодат ЙЎЛДОШЕВА,
Нарпай тумани “Болғали” маҳалласи отинойиси

ЭНГ АФЗАЛ ИБОДАТ

Қуръони карим Аллоҳ таолонинг муқаддас каломи, инсонларга саодат манбаи бўлгани учун уни ўқиш, ёд олиш алоҳида ибодат саналади. Бу борада бундай марҳамат қилинади: **“Албатта, Аллоҳнинг Китобини тиловат қиладиган, намозни тўқис адо этадиган, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ-эхсон қиладиган зотлар ҳаргиз касод бўлмайдиган олди-сотдидан умидвордирлар. Зеро, (Аллоҳ) уларнинг ажрларини тўлиқ қилиб беради, Ўз фазлу карамидан уларга яна зиёда (мукофотлар) ҳам беради. Албатта, У мағфиратли, ўта шукр қилувчидир (яъни озгина яхши амал учун ҳам кўп мукофот беради)”** (Фотир сураси, 29–30-оятлар).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам доим Қуръон ўқишга тарғиб қилганлар.

Абу Зар Ғифорий розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: **“Эй Абу Зар, эрталаб барвақт туриб, Аллоҳнинг Китобидан бир оят ўрганишинг сен учун юз ракат (нафл) намоз ўқишингдан яхшироқдир. Эрталаб туриб, амал қиласанми ёки йўқми, илмдан бир боб ўрганишинг сен учун минг ракат (нафл) намоз ўқишингдан яхшироқдир”**, дедилар».

Яна бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Қуръон ўқийдиган мўмин утруж-жага** (апельсинга ўхшаш

“ширин лимон”) ўхшайди. Унинг ҳиди ёқимли, мазаси ширин. Қуръон ўқимайдиган мўмин эса хурмо кабидир. Ҳиди йўқ, аммо мазаси ширин. Қуръон ўқийдиган мунофиқ райҳон каби хушбўй, бироқ мазаси тахир. Қуръон ўқимайдиган мунофиқ



эса ҳанзала (таъми ва ҳиди ёқимсиз мева) янглиғ ҳидсиз, таъми аччиқдир”.

Эътиборлиси, юқоридаги ҳадисда **“Қуръон ўқийдиган”** дейиш билан Қуръонни ойда-йилда бир эмас, доим ўқиш лозимлигига ишора қилинмоқда. Зеро, комил мўмин банда Аллоҳнинг Каломини тоқчаларда ғариб ҳолда қолдирмайди, муттасил ўқиб-ўрганади, илоҳий таълимотларга мувофиқ яшайди. Чунки Аллоҳ Қуръонни ўқиб-ўрганишимиз, Каломуллоҳ одобила хулқланишимиз учун нозил қилган. Бандалар бу борада бир-биридан фарқ қилади.

Ҳақиқий мўмин кўпроқ насибадор бўлади, кимдир озроқ. Қуръон баракасидан умуман бенасиб қоладиганлар ҳам йўқ эмас.

Мўмин киши Қуръон ўқимаса ҳам, унинг асли пок, чунки қалбида иймон бор. Ана шу иймонни янада мустаҳкамлаш ва Аллоҳга яқин бўлиш учун Қуръонга муҳаббат қўймоғи лозим.

Абу Зар Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир куни: **“Ё Расулуллоҳ, менга насиҳат қилинг”**, дедим. У зот: **“Аллоҳга тақво қил! Чунки барча ишларнинг боши тақводир”**, дедилар. **“Ё Расулуллоҳ, яна насиҳат қилинг”**, деб сўрадим. Шунда у зот: **“Қуръон тиловат қил. Зеро, бу сен учун ерда нур, осмонда захира бўлади”**, деб марҳамат қилдилар».

Абу Умома розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Ким Аллоҳ азза ва жалла Китобидан бир оят ўрганса, (ўша оят) қиёмат куни бандани кулиб турган ҳолда қарши олади”**, дедилар.

Ҳадисдан англашиладики, қайси банда Қуръондан бир оятнинг ўқилиши ва тафсирини ўрганса, ўша оят охиратда бандани хурсанд ҳолда кутиб олади, яъни Аллоҳ таоло ўша оятни банда қиёмат куни хурсанд бўлишига сабаб бўладиган восита қилиб қўяди.

Обиджон ИСМОИЛОВ,
Сариосиё тумани
“Имом Низомиддин
Сангардакий”

жоме масжиди имом-хатиби

Аёлларга хос масалалар

Аёлнинг ҳайз одати уч кун билан ўн кун оралиғида бўлади. Агар бошланишида аёл ё қиз етти кун ҳайз кўрса, ҳайзидаги одати етти кун ҳисобланади. Агар у аёл ё қиз одатидан кейин бир марта ўн кундан ошиқ ҳайз кўрса, ўнинчи куни ғусл қилади. Етти кундан кейинги намозлари қазосини ўқийди. Бosis одатидан ўтган қоннинг истиҳоза экани маълум бўлди. Чунки у ўн кундан ортиқ ҳайз кўрди.

Агар бир аёлнинг одати йиллар давомида саккиз кун бўлса, сўнг етти кун ҳайз кўрса ва ундан кейин қони ўн кундан ошса, етти кундан кейинги (ибодатдаги) қазоларини ўтайди.

Агар икки йил ҳайз қони келмай, кейин саккиз кун ҳайз кўрса, одати саккиз кун ҳисобланади.

Аёлнинг поклик одати ҳам

худди шундай. Покликнинг энг кам муддати ўн беш кундир. Кўпининг чегараси йўқ. Агар аёл ўн етти кун пок юриб, кейин ҳайз қони келадиган бўлса, аёлнинг поклик одати ўн етти кун деб эътибор қилинади.

Суюқликнинг оппоқдан бошқа барча ранглари қон ҳукмидадир.

Мато ёки пахтада кўринган биринчи қоннинг ранги эътиборга олинади. Бундан кейин ўзгариб келган қон рангининг эътибори йўқ.

Аёлнинг намоз вақтигача оқ суюқликни кўриши ёки ҳеч нарса кўрмаслиги унга поклик ҳукмини беради.

Аёлнинг ҳолатидан келиб чиқиб, қоннинг барча ранги, хоҳ у сарғиш, қизғиш, хира ё лойқа бўлишидан қатъи назар, ҳайздан ҳисобланади. Гарчи сийрак бўлса-да, ҳайзнинг бошланиши ёки тугашида келувчи сарғиш

суюқлик ҳайз деб эътибор қилинади. Аёл қон рангларидан бирини кўрдими, демак, унинг ҳайзи бошланган саналади. Қон тамомила тўхташига қадар ҳайзи давом этади.

Агар аёлнинг ҳайз одати саккиз кун бўлса, кейин у етти кун қон кўрса, ундан кейин уч кун сарғиш суюқлик келиб, сўнг у покланса, унинг ҳайзи ўн кун саналади.

Агар аёлга ҳайзи келишдан уч кун олдин қуйқа қон келса, сўнггра у ўн кун қон кўрса ва табиб унга: “Қуйқа қон гормон бузилиши сабаб келган”, деса, унинг ҳайзи ўн кун саналади. Қуйқа қон ҳайздан ҳисобланмайди.

Олти кун сарғиш суюқлик кўриш аёлнинг одатидан саналса, ундан кейин саккиз кун давомида қизил рангда қон кўрса, ҳайзи саккиз кундир.

Агар аёлнинг ҳайзи олти ой келмай, тўхтаб қолса, сўнггра ҳайз муддатида оч жигарранг рангда суюқлик кўрса, ана шу кўрган нарсаси ҳайз қони ҳисобланади.

“Ҳайз ва нифос илми зубдаси” китобидан

Ю. АСҚАР қизи
таржимаси



Зикр этилмаган қирқ хислатнинг сири нимада?

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: أَرْبَعُونَ خَصْلَةً أَغْلَاهُنَّ مَنِيحَةُ الْعَنْزِ مَا مِنْ عَامِلٍ يَعْمَلُ بِخَصْلَةٍ مِنْهَا رَجَاءَ ثَوَابِهَا وَتَصَدِّيقَ مَوْعُودِهَا إِلَّا أَدْخَلَهُ اللَّهُ بِهَا الْجَنَّةَ. قَالَ حَسَّانُ: فَعَدَدْنَا مَا دُونَ مَنِيحَةِ الْعَنْزِ، مِنْ رَدِّ السَّلَامِ، وَتَشْمِيتِ الْعَاطِسِ، وَإِمَاطَةِ الْأَذَى عَنِ الطَّرِيقِ، وَنَحْوِهِ، فَمَا اسْتَطَعْنَا أَنْ نَبْلُغَ خَمْسَ عَشْرَةَ خَصْلَةً. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

Абдуллоҳ ибн Амр рози-яллоҳу анху ривоят қилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қирқ хислат бор. Улардан энг олийси – (сутидан, жунидан фойдаланишлари учун) эчкини ўзгага бериб туриш. Қай бир одам ўша (қирқ хислат)лардан бирини савоб умидида ваъда этилган мукофотга ишониб амал қилса, албатта, Аллоҳ уни ўша (амали) туфайли жаннатга киритади”**, дедилар. Ҳассон айтади: “Сутидан фойдаланишлари учун эчкини бериб туришдан кўра қуйроқ даражадаги савобли амаллардан саломга алик олиш, аксирганга соғлик тилаш, йўлдан азият етказувчи нарсани олиб ташлаш каби ўн бешта хислатни санай олдик” (*Имом Бухорий ва Имом Абу Довуд ривояти*).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом умматларини бажариш енгил, шу билан бирга, ажри мўл амалларга тарғиб этганлар. Агар банда хислатлардан бирини одамлардан раҳмат ёки бирор манфаат олиш учун эмас, холис Аллоҳ розилигини истаб қилса, албатта, Парвардигор уни ўша амали сабаб жаннатга ки-

ритади. Чунки Қуръони каримда бундай марҳамат қилинган: **“Бас, кимки (закот ва садақотларни) берса ва (Аллоҳдан) қўрқса ҳамда гўзал (нарс)ни тасдиқ этса, бас, унга осонликни мурасар қилурмиз”** (*Лайл сураси, 5–7-оятлар*).

Баъзи уламолар қирқ хислатнинг барчасини санашга ҳаракат қилишган ва қуйидагиларни зикр этишган: акса урганга саломатлик тилаш; қариндошлар билан ярашиш; очни тўйдириш; чанқоққа сув бериш; саломлашиш; оёқ кийимига боғич бериш; ёлғизнинг кўнглини кўтариш; хафагарчиликни аритиш; мусулмоннинг айбини яшириш; мажлисларда бошқаларга жой бериш; мусулмонга хурсандчилик улашиш; яхшиликка далолат этиш; инсонлар орасини ислоҳ этиш; мискинни яхши муомала билан кузатиш; челақдаги сувдан чанқоқларга улашиш; мусулмоннинг экинларини суғориб олишини таъминлаш; мусулмонга шафеъ, яъни кафил бўлиш; кучли заифга, бой фақирга, олим жоҳилга раҳм қилиши ҳамда Аллоҳ учун ўзаро зиёратлашиш.

Кирмоний раҳимаҳуллоҳнинг фикрича, бу қирқ хислат ғайб ишларидан. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам санаб ўтилганлардан бошқа нарсаларни назарда тутган бўлишлари мумкин.

Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ айтади: “Бу масаладаги энг тўғри йўл хислатларни санаб чиқмасликдир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом уларни номма-ном айтмаганлар, балки номаълум қолдирдилар. Мубҳам қолдирган ишларини у зотдан бошқа ким ҳам санаб бериши мумкин? Эҳтимол, у зот аниқ айтмаганларининг ҳикмати яхшиликдан бирортасини оз бўлса ҳам, паст санамаслигимиз учундир. Яна инсонлар шу қирқ хислат билан чекланиб, бошқа яхшиликлардан узоқлашиб кетмасликларини истаган бўлишлари ҳам мумкин”.

Таъкидлаш лозим, солиҳ амаллар учун ажр-савоб Парвардигорнинг розилиги исталганда ва савоби чин дилдан умид қилингандагина берилади.

“Манҳалул ҳадис” асаридан
Сурайё МУРОДЖОН
қизи таржимаси



Шукроналик насимлари

(Истиқлол туфайли бугунги аёл-қизларга очилган имкон эшиклари)



Аёл-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларни касб-хунарга йўналтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш борасида кўплаб хайрли ишлар қилинмоқда.

Бинобарин, бугунги кунда аёлларнинг диний илм олишга бўлган эҳтиёжи ортди. Шу сабаб Қуръони карим ва тажвид курслари ташкил этилди. Қолаверса, “Хадичаи Кубро” ва “Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юртлари қизларимизнинг диний ва дунёвий билимларини янада оширишга хизмат қилиб келмоқда. Истиқлол йилларидаги ўзгаришлар хусусида “Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юрти Ёшлар билан ишлаш маънавият ва маърифат ишлари бўйича бўлим бошлиғи Инобат Уста-Алимова ўз мулоҳазаларини билдирди:

Қуръони каримнинг Зуҳу сураси 11-оятида: **“Раббин-гизнинг (сизга ато этган барча) неъматини ҳақида эса (одамларга) сўзланг!”** дейилади. Мустақиллик Яратганининг бизга берган энг катта

неъматидир. Истиқлолнинг илк йилларида ўз фаолиятини бошлаган билим юртида дастлаб 60 нафар талаба-қиз таҳсил олган. Ҳозир бу адад юз нафарга етди. Қизларнинг таълим олиши, Ислом динини пухта ўрганиб, илмий изланишлар олиб бориши учун барча имкониятлар яратилган. Шунингдек, жорий йилда Иорданияда бўлган халқаро қориялар мусобақасида талабамиз иштирок этди.

Оққўрғон тумани Қўштепа маҳалла фуқаролар йиғини Хотин-қизлар фаоли Зулхумор Тошбоева бундай дейди:

– Ёш ёки ногирон боласи бор ва бошқа сабабларга кўра уйда ўтирадиган аёллар билан ишлаш масаласи – биз каби хотин-қизлар фаолларининг вазифаси. Ҳар бир оила ўзига етарли маблағга эга бўлса, муаммоларнинг олди олинади. Бунинг учун биз оила-ларни ўрганамиз. Қўлида хунари бор хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уй бекаларини касб-хунарга ўқитиш маҳалламизда тизимли

йўлга қўйилган. Шунингдек, маҳалламизда 15 нафар аёлдан иборат “Оқила аёллар” ҳаракати бор. Отинойи опаларимиз оилаларнинг тоғувлигини сақлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Шу билан бир қаторда турмуш қурадиган ёшлар ФХДЁ бўлимларига борганда уларга Оила марказларида таҳсил олишлари учун йўлланмалар берилади. Бир ой давом этадиган диний-маърифий, саломатлик дарсларида ёшларимизни оила ҳаётига тайёрлаб борамиз.

Фузайл ибн Иёз раҳимахуллоҳ бундай дейди: *“Ким Аллоҳнинг неъматини қалбан ҳис қилиб, тилида эътироф этса, эътирофи охирига етмасидан неъматнинг зиёдалигини кўради”.*

Дунёдаги қанча миллатлар орзу қилаётган мустақиллигимизга шукр қилиб, уни қадрлашимиз жойиз. Шукронамиз бизнинг гўзал амалларимизда ва турмуш тарзимизда ўз аксини топмоғи лозим.

Камола АДАШБОЕВА



Аёлингизга

Бугун ижтимоий тармоқларни кузатар экансиз, бемалол жамиятнинг маънавий ҳаётидан, муаммо ва камчиликларидан бохабар бўлишингиз мумкин. Уларни кузатиб, жамиятда, оилада айрим аёлларнинг қадрсиз ҳолга келгани, уларга динимиз талабларидан келиб чиққан ҳолда муомала қилинмаётгани оқибатида оилалар таназзулига, фарзандлар тарбиясида “оқсоқлашув”га, аксар ҳолларда эса аёлларнинг фожиясига сабаб бўлганини кўрамыз.

Бу оғир бошланиш кўпчилик журналхонларнинг эътирозига сабаб бўлиши мумкин. Бироқ ҳақиқат шу...

Бунга ўзимиз тан олиб, юзимизга ойна тутмасак, муаммонинг илдизини ўрганиб, ислоҳ қилмасак, ҳеч ким четда туриб бизни тузатмайди, жамиятимизни, оилаларимизни парокандаликдан асраб қололмайди.

Жамиятимизда аёлларга кенг эътибор бериляпти гўё. Аслида ҳам шундайми? Ташқаридан қаратилаётган эътибор оиласида қадр топмаган, қалбига қулоқ тutilмаган, сўзлари тингланмаган аёл учун ҳеч қандай қиймат касб этмайди.

Эркак кишининг оиладаги вазифалари нималардан иборат эканини баён қилишдан аввал ушбу ҳадисга мурожаат қилсак. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Киши қарамоғидагиларини нафақасиз ташлаб қўйиши унинг қаттиқ гуноҳкорлигига кифоя қилади”** (Абу Довуд ривояти).

Бугунги кунда кўплаб оилалардаги ҳолат, аянчли аҳволлар айнан аёлларнинг нафақасиз қолаётганидан келиб чиқмоқда. Эркакларнинг аксарияти ўз масъулиятлари – оталик, эрлик, акалик, укалик вазифаларини унутиб қўймоқдалар.

– Одам савдосининг энг арзон қурбонига айланиб, фоҳишахоналарга тиқилаётганлар шу миллатнинг аёллари...

– Бола-чақасини боқиш учун бошқа элатларнинг уйларида хизматкорлик қилиб, турли хорликларга чидаётганлар юртимиз муслималари;

– Аллоҳ раҳбар этиб тайинлаган эркаклар вазифасини адо этишга дангасалик қилгани учун тирикчилик ғамини елкасига олиб, юртмаюрт маҳрамсиз кезиб, ҳар турли кўйларга тушаётган ҳам бизнинг опа-сингилларимиз, оналаримиз...

– Ҳали ўзи тўғри йўл топа олмай туриб, бир оилага раҳбар бўлган эрига итоат қилгани учунгина болаларининг жонини ҳам хатарга қўйиб, Сурия ва Ироқдаги жанг майдон-

ларида суринаётган, хор бўлаётганлар ҳам ўзбек аёллари...

Қалбимизни оғритадиган муаммолар талайгина. Бу саноқни шу ерда тўхтатиб, муаммоларнинг ечимларига тўхталсак.

Ечим битта: динни чуқур, ўз асл масдарига кўра ўрганиб, унга ихлос билан амал қилиш, Аллоҳнинг амрларига сўзсиз бўйсуниб. Динимиз тақозо қилган мусулмон эркак қандай бўлади?

...Аввало, эркак динимизнинг барча аҳкомларини мустаҳкам ўрганиб, ўз масъулиятини англагач, оила қуриши ва асло дангасалик қилмасдан вазифаларини адо этиши керак. Шунингдек, онаси, опаси, синглиси, завжасининг бу борадаги таълим олишини таъминлайди, туйғуга берилиб, хато қила бошлаганида охирадни эслатиб, унга тайёргарлик кўришга ундаб, тўғри йўлга солади.

...Мусулмон эркак ўзи ишламай, зиммасидаги нафақа қилиш масъулиятини унутиб, аёлини бегона юртларга юбормайди. Уларни савдо ёки мардикорлик ишларидан топган пулига яшамайди.

...Мусулмон эркак ҳар борада мувозанатни ушлаб, иш олиб боради. Рўзғорга керакли нарсаларни, аёлини тўлиқ таъминлайди. Ўзи егандан оиласига едиради, ўзи ичгандан ичиради, ўзи кийгандан кийдиради.

...Яна мусулмон эркак ҳамиятли бўлади, аёлининг ўзини



нафақа берасизми?

узоқ сафарга чиқармай, номаҳрамдан қизганиб, шариатга номутаносиб бирор хатти-ҳаракатини дарҳол тўғрилайди.

...Мусулмон эркак ҳеч бир аёлга оғир юкни кўтартириб қўймайди. Катта-кичик ишларда аёлининг ёнида туради. Уй-рўзгор ишларида доимо оналаримизга кўмакдош бўлиб, гўзал ўрнатилган кўрсатган Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг йўлини тутлади.

...Мусулмон эркак қўлида “айблаш қиличи” билан эмас, мурсою мадора чироғи билан оила бошқаради. Зеро, уламолар айтганидек, инкор кўзи билан боққанга Юсуф алайҳиссаломнинг юзи ҳам хунук кўринади. Шунингдек, айб қилган одам доим нуқсон топади. Шу сабабли оилада эркак, айниқса, мурсо йўлини тутиши лозим. Вақтида дазмолланмаган кийим, ўз пайтида тайёрланмаган овқат, шўр ёки тузи паст бўлиб қолган таом, болалар ивирситиб юборган хонадон учун уйда жанжал-тўполон кўтармайди, қалбни оғритиб, унутиш қийин бўладиган ҳақоратли сўзларни тилига чиқармайди. Оила ўртасида аёллар ҳам ана шу тамойилга кўра иш тутсалар, иншоаллоҳ, саодатга эришилади.

Мусулмон эркак оилавий ҳаётнинг муқаддаслигини, маҳрамият сирларини, ўзаро ҳурмат-иззатни сақлайди. Зеро, ўзи ҳурмат кўрсатмаган, айбу нуқсонларини яширма-

ган жуфтига атрофидагилар ҳурматсизлик қилиши табиий ҳол. Бу нафақат оиланинг мувозанатини, балки эр-хотин ўртасидаги ишонч ва муҳаббатни ҳам задалайди.

Бугунги кундаги муаммолардан яна бири оилаларда тарбия борасидаги оқсашларга йўл қўйилаётганидир. Унутмаслик лозим, фарзанд тарбиясига фақат аёллар масъул эмас. Оила таянчи бўлган ота-она бир тану бир жон бўлиб, фарзанд тарбиясига бугун жиддий эътибор қаратмас экан, эртага бугунгидан кўра кўпроқ муаммолар, таназзуллар юзага келиши мумкин. Шу сабабли мусулмон ота Аллоҳга чин маънода бандалик қиладиган иймонли мўмин фарзандларни тарбия қилишда жонбозлик кўрсатади.

Мулоҳазаларимиз билан танишган ўқувчиларимизда турли фикрлар уйғониши табиий:

– Наҳотки саналган муаммоларнинг ҳаммасига сабабчи эркаклар бўлса?

– Ечимлар фақат эркакларга боғлиқми, аёлларнинг ҳеч вазифаси йўқми?...

Айтмоқчи бўлганимиз шуки, биз муаммоларнинг бир томонини ёритишга интилдик. Зеро, оилада аёлларнинг вазифалари, масъулиятлари, қилишлари керак бўлган сабрлари борасида мақолалар талайгина. Бунинг устига аёллар ҳар қанча ҳаракат қилмасин, ҳар қанча солиҳа бўлмасин, агар оила раҳбари вазифасини тўлиқ адо этмаса, оилани тартиб

билан бошқармаса, оила том маънода сакинати, хотиржамлик маскани бўла олмайди.

“Мусулмончилик аста-секинлик билан”, дейилганидек, бу борадаги муаммолар ҳам билим билан, сабр билан ислоҳ қилинади. Натижада оилалар мустаҳкамланади, хотиржамлашади, иншоаллоҳ. Кучли жамият эса кучли оилалардан ташкил топади.

Аллоҳ барчамизга оила саодатини топиб, хотиржам яшашни насиб этсин!

Илҳом ШАМСИЕВ,

Фориш туманидаги


«Мавлонои Грекушоҳ»

жоме масжиди имом-хатиби



Илҳом ШАМСИЕВ, 1979 йили Сирдарё вилоятида туғилган. 1999–2003 йилларда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида таълим олган.

2004–2013 йилларда Жиззах вилояти Фориш туманидаги «Мавлонои Грекушоҳ» жоме масжиди имом ноиби, 2013 йилдан бери шу масжид имом-хатиби бўлиб ишлайди.



Икки қиблага қараб намоз ўқиган аёл

Умму Мунзирнинг олижаноблиги, обрўси ва шижоатига тарих гувоҳ. Унинг опаси ва синглиси – Умму Сулайм бинти Қайс ҳамда Умайра бинти Қайс, иккови ҳам Исломга кирган, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилган эди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом биринчи Ақаба байъатидан кейин даъватнинг илк элчиси Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуни Мадинаи мунавварага жўнатдилар. Мусъаб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан яхши таълим олган эди. У Мадинага бориб, одамларни ҳикмат ва чиройли насихатлари билан даъват қила бошлади. Кўп ўтмай покиза қалб ва соғлом табиат соҳиблари унга лаббай, деб жавоб беришди. Шу тариқа улар Исломни таниб, иймон келтирдилар, ўзларини дин хизматига бағишлаб, тавҳид ва Аллоҳга қуллик неъматини англаб етдилар. Бу муборак даъватнинг меваси ўлароқ, Умму Мунзир ҳам ҳақ динни таниди. Аллоҳ бундай пешқадамлар ҳақи-

да қуйидагича марҳамат қилади: **“Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар – Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ) улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк саодатдир”** (Тавба сураси, 100-оят).

Саҳобаларга мушрикларнинг озори кўпайиб кетгач, Ҳабибимиз алайҳиссалом Мадинаи мунавварага ҳижрат қилишга рухсат бердилар. Бироз ўтиб, Аллоҳ Ўз расулига ҳам изн берди. Набий алайҳиссалом келишлари билан ансорлар қалби сурурга лиммо-лим тўлди. Умму Мунзир ҳам бу саодатни ҳис этди. У аёллар билан биргаликда Пайғамбар алайҳиссаломга байъат қилиш учун йўлга чиқди.

Умму Мунзир розияллоҳу анҳо бундай ҳикоя қилади: «Мен Расулulloҳ сол-

лаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, ансор аёллар билан биргаликда байъат қилдим. У зот бизга Аллоҳга ҳеч нарсани шерик келтирмаслик, ўғирлик содир этмаслик, зино қилмаслик, болаларимизни ўлдирмаслик, номусларимизни қўриш, яхши амалда У Зотга осий бўлмаслик шартини қўйдилар. Расули акрам: **“Эрларингни алдаманглар”**, деганларида биз айтганларига рози бўлиб, байъат қилгандан кейин орқамизга қайтдик. Сўнг мен аёллардан бирига: “Ортингга қайтиб бориб, Расулulloҳдан эрларимизни алдаш нима эканини аниқ сўраб кел!” деб айтдим. Аёл бориб келгач, деди: «Мен у зотдан сўрадим. **“Эрингнинг молини олиб, бегона-бировнинг кўзига яхши кўринишинг”**, дедилар» (Ҳайсамий, Имом Аҳмад, Абу Яъло ва Табароний ривояти).

Умму Мунзир Аллоҳнинг Китобини тиловат қилиш ва Расулulloҳ алайҳиссаломнинг ҳадисларини ёдлашга жуда иштиёқманд эди. Расулulloҳ билан икки қибла-

га қараб намоз ўқиш бахтига муяссар бўлган жуда кам сонли аёллардан эди.

* * *

Бу улуғ саҳобия Расулуллоҳ алайҳиссалом наздларида ҳурматли эди. Ансорлик аёл Умму Мунзир бинти Қайсдан келган ривоятда бундай дейди: «Расулуллоҳ меникига Али билан бирга келдилар. Ўшанда Али касалликдан энди тузалаётган, дармони йўқ эди. Бизнинг осиб қўйилган ҳурмоларимиз бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жойларидан туриб, ўша осилган мевадан ея бошладилар. Али ҳам емоқчи бўлиб ўрнидан турди. Шунда у зот: “Эй Али, тўхта, ҳали сен касалликдан тўлиқ тузалмагансан”, дедилар. Бу гапдан кейин у ейишдан тийилди. Мен арпа билан қанд лавлагини қайнатиб келтирдим. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом: **“Эй Али, бундан тотиб кўр, бунинг сенга фойдаси бор”**, дедилар» (Имом Ибн Можа ривояти).

* * *

Умму Мунзир розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўплаб ҳадисларни ёдлаб ривоят қилувчилардан бирига айланди. Ундан Умму Сулайт ибн Айюб ибн Ҳакам, Айюб ибн Абдурахмон, Яъқуб ибн Абу Яъқуб Маданий ҳадис ривоят этишган.

Манбалар асосида
Абдуқодир ИБРАГИМОВ тайёрлади.



Абдуқодир Ибрагимов. 1979 йили Бухоро вилояти Ғиждувон туманида туғилган. 2000 йили “Мир Араб” ўрта махсус ислом билим юрти, 2021 йи-

ли Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини тамомлаган. 2022 йилдан бери Зарафшон шаҳар бош имом-хатибидир.



Ватанни унутганнинг...

Бу йил менга ҳаж қилиш насиб этди. 34 кун давомида Мадинаи мунаввара, Макка шаҳарларида бўлдик.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходимининг бир гапи ҳаммамизни ҳушёрликка тортди:

– Дунёнинг барча ташвишларини унутинг, истифору салаботларни кўпайтиринг, Қуръонни хатм қилинг, қазо намозларни ўқинг, хонадонингиз осойишталигини, фарзанду набиралар камолини, юртимиз тинчлигини сўранг, гуноҳларингизга тавба қилинг, амалларни ихлос ила бажаринг. Шунда ҳажингиз мабрур бўлади. Ҳар бирингизнинг муомалангиз, хатти-ҳаракатингизга қараб юртимизга, халқимизга баҳо берилади, шуни унутманг!

Сафар мобайнида шу юртда яшаб келаётган юртдошларимизни учратдик. Улар бизга ҳамроҳлик қилишди. Бирининг айтишича, ота-боболари ўтган асрнинг 60–70-йилларида Афғонистонга, сўнгра Эрон орқали Саудия Арабистонига келиб

қолишган, ўша пайтда отаси 7–8 яшар бола бўлган экан. Мен унинг соф ўзбек тилида гапираётганини кўриб ҳайратландим. Она тилини қадрлаган бу йигитга ҳавас қилдим.

– *Отам ҳам Ўзбекистонни кўрмаган, лекин бу ердаги барча ўзбекларнинг оиласида ўзбекона урф-одатлар, анъана ва маросимлар давом эттириб келинади. Уйда доим она тилимизда гаплашамиз. Улуғларимиз бизларга: “Ҳеч қачон юртларингни, тилларингни унутманглар, чунки тилини унутган Ватанини унуттади. Ватанини унутганнинг иймонига путур етади”, дея таъкидлаб келади. Ота-боболаримизнинг юрти бизни ўзига тортади, боргимиз, кўргимиз келади, шу ният билан яшаб келямиз.*

Ватан қанчалик қадрли эканини яна бир бор қалбдан ҳис этдим.

Қурсия ҚЎЛДОШЕВА,
Қашқадарё вилояти



Намозим қабул бўладими?

САВОЛ: Хуснбузардан игнанинг учичалик сув чиқса, таҳорат бузиладими?

ЖАВОБ: Танадан чиққан қон, йиринг ёки сариқ сув атрофга оз бўлса-да, тарқалса, таҳоратни бузади. Агар атрофига ёйилмаган бўлса, таҳоратни бузмайди.

САВОЛ: Бомдод намозида Фотиҳа сурасидан сўнг Ихлос сурасини ўқийман. Шу Ихлос сурасини қолган тўрт маҳал намозда ҳам Фотиҳа сурасидан кейин ўқисам бўладими?

ЖАВОБ: Фарз намозларнинг дастлабки икки ракатидан ва суннат намозларнинг ракатларидан бирида Фотиҳадан кейин Ихлос сурасини ўқиш мумкин.

САВОЛ: Тўрт ракатли намознинг 2-ракатида “Аттаҳият”дан кейин салавотни чалғиб ўқиб юбораман. Намозим тўғри бўладими?



ЖАВОБ: Тўрт ракатли намозларда аввалги қаъдада “Аттаҳият”дан кейин учинчи ракатга туриш ўрнига адашиб “Аллоҳумма соллиъала Муҳаммадин”гача ўқиган киши намознинг охирида саждаи саҳв қилади. Шу билан намоз тўғри бўлади (“Ал-баҳр ар-роиқ” китоби).

САВОЛ: Витр намозида Қунут дуосини ўқишдан олдин қўллар кўтарилар экан. Бу амал эркаклар учунми ёки аёллар ҳам бажариши керакми? Агар бажарилса, у қандай қилинади?

ЖАВОБ: Витр намозида Қунут дуосини ўқишдан олдин аёллар қўлларини кулоқ баробаригача эмас, балки елкалари баробарида кўтардилар. Витр намозининг 3-ракатидаги зам сура ўқиб бўлинганидан кейин “Аллоҳу акбар!” деб икки қўлларини эркаклар кулоқларининг юмшоқлари баробаригача, аёллар елкалари баробаригача кўтардилар.

САВОЛ: Мен коронавирус бўлганман, асорати бор. Намозни ярмидан ўтириб ўқийман. Чунки суякларим зирқираб оғрийди. Намозим қабул бўладими?

ЖАВОБ: Фарз ва вожиб намозларини туриб ўқий олмаган одам бирор нарсага суяниб туролса, суяниб туриб ўқиши керак. Агар суяниб ҳам туролмаса, ўтириб ўқийди. Суннат ва нафл намозларни ўтириб ўқиш мумкин.

САВОЛ: “Роббана ати-на фид дуня ҳасанатав” бўладими ёки “ҳасанатан” бўладими?

ЖАВОБ: Қуръон тиловатидан бошқа ўринларда, масалан, дуо қилинаётганда тажвид талабларига риоя этиш шарт бўлмайди.

Шунга асосан “Роббанаа аатина фид-дуня ҳасанатан ва фил аахироти ҳасанатан ва қинаа азаабан-наар”, деб дуо қилиш хато бўлмайди.

Тиловат қилинаётганда эса тажвид қоидаларига риоя этиб, бундай ўқилади: “Роббанаа аатина фид-дуня ҳасанатав ва фил аахироти ҳасанатав ва қинаа азаабан-наар”.

САВОЛ: Озиқ-овқат дўко-нида ишлайман. Муддати ўтиб қолган маҳсулотларни ўзим очиб, еб кўраман. Баъзилари истеъмолга яроқли ва ичига ҳеч нима қилмаган бўлса, сотишим жоизми?



ЖАВОБ: Истеъмомлга яроқ-лилик муддати ўтган маҳсулотларни сотиш жоиз эмас.

САВОЛ: Мен болалар боғчасида ишлайман. Давлат тарафидан болаларга озиқ-овқатлар қаторида сут ҳам берилади. Ошпазимиз боғча болаларига берганидан ортиб қолган сутларни ишчиларга сотади. Шу сутни олсак бўладими?

ЖАВОБ: Болаларга аталган сут ва бошқа маҳсулотларни сотиш ёки сотиб олиш мумкин эмас. У нарсалар давлат томонидан болалар озуқаси сифатида берилади ва фақат болаларга ишлатилиши керак. Уларни сотиш, сотиб олиш болаларнинг ҳақи-га хиёнат ҳисобланади.

САВОЛ: Баъзи аёллар янги уйга кўчиб кириб, маросим қилганида отинларни олиб келишади ва улар бошчилигида сурпа ёяди, пешонасига ўқловни қўйиб, эгилиб ерга теккизади. Аслида, отинчиликнинг таърифи динда қандай, бирор-бир лавозимми?

ЖАВОБ: Ҳозирда ҳар бир маҳаллада отинойилар фаолият олиб боради. Уларнинг вазифаси турли маросимларни аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб динимиз кўрсатмалари асосида ўтказиб бериш ҳисобланади. Лекин сиз айтётган амалиёт динимизда йўқ, хурфот иш ҳисобланади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази
(78) 150-33-44

Онанинг меҳри – дарё

Қандолат опа турмуш-га чиққач, анча йил яшади, аммо фарзанди бўлмади. Ноилож ажрашди.

Йиллар ўтиб, Асрордан совчи келди. Унинг аёли вафот этиб, уч ўғил ва тўрт қизи билан қолганди. Қандолат опа бу хонадонга кириб келганида кичик қизи Хурсаной 4 ёшда, Шоира эса 6 ёшда эди. Улар онасини соғинганидан янги ойининг бағрига отилдилар. Бу аёл ана шу етти фарзандга меҳрибон она бўлди. Ҳаммасини вояга етказди, уйли-жойли қилди.

Опанинг бошидан кўп оғир кунлар ўтди. Уч нафар фарзандидан айрилиб, ғам-қайғуга ботди. Лекин оналик меҳри илоҳий меҳр экан. Бунинг исботини кўрдим. Қандолат опа нафақат фарзандларига, балки набираларига-да жуда меҳрибон. Бугунги кунда гоҳ телевизорда, гоҳ ижтимоий тармоқларда ўз боласини сотган ёки ўлдиришга-ча борган айрим аёлларни кўриб қоламиз. Мен ўша лаҳзада яна шу онахонни эслайман. Ҳар қандай онага намуна бўладиган бу аёлни элга танитгим, “Эй аёллар, сизлар меҳрни, садоқатни, бардошни, оналикни


шу онадан ўрганинглар!” дегим келади.

Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Ойша розияллоху анҳонинг ҳузурига бир аёл келди. Бас, Ойша унга учта хурмо берди. У ҳар бир болага биттадан хурмо берди. Ўзи учун бир дона хурмони олиб қолди. Икки бола хурмони еб бўлиб, оналарига назар солди. У қолган хурмони иккига бўлиб, ҳар бир болага яримтадан хурмо берди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам келиб қолдилар. Ойша хабарни айтди. У зот: **“Бунинг нимаси сени ажаблантирди? Икки боласига раҳм қилгани учун Аллоҳ у аёлга раҳм қилди”**, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Бибиражаб ЭЛБЕКОВА,
Жомбой тумани “Сарчашма” маҳалласи отинойиси



Реклама инсониятни тубанликка бошляптими?



Хар қандай жамиятда вақти-вақти билан халқнинг маънавий ва ахлоқий ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи муаммолар пайдо бўлиб туради. Сўнгги кезларда бу жараён ОАВ (асосан, телевидение ва интернет тармоғи) орқали ахборот хуружи сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур ҳолатда жамият аъзолари ахлоқий иммунитет, яъни мустаҳкам иймонга эга бўлсалар, хавфдан омон қоладилар. Аммо ахборот хуружи қайсидир маҳсулот рекламаси сифатида фильмлар, сериаллар ёки кўнгилочар дастурлар орқали, камига психологик (онг остига таъсир этувчи) усуллардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилса-чи?

Бугун қаршимизда ана шундай хатар турибди. Кўҳна Қитъани аллақачон домига тортиб кетган реклама ниқобидаги беҳаёлик энди халқимизнинг ақли ва қалбини эгал-

лашга жидду жаҳд этмоқда. Натижада беҳаёлик деган таназзул белгиси ўлатдек жадал тарқалмоқда. Сиртдан қараганда зарарсиз, замона зайлидек ўта аҳамиятсиз кўринган бу иллат аслида барчамиз учун улкан мусибатдир...

Таассуфки, жонимиздан-да азиз бўлган ҳаё бугун миллатимиз табиатидан анчайин кўтарилиб қолганга ўхшаб кўринмоқда. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Аммо уларнинг энг асосийларидан бири бу – турли маҳсулотларнинг сирти ялтироқ рекламаларидир. Афсуски, уларда асосий маҳсулот қолиб, мавзуга алоқаси йўқ беҳаёликлар миямизга сингдирилмоқда. Улар

ҳар жойда ҳозир у нозир. Кўча-кўйда, чорраҳаларда, телеканалларда, радиода, интернетда ва ҳатто эгнимиздаги либосимизда ҳам.

Тасаввур қилинг, эрталаб ишга бориш учун йўлга тушдингиз. Биринчи бўлиб нимани кўрасиз? Пешонангиз тўғрисида осиб қўйилган баҳайбат билбордда чўмилаётган аёлни ёки “Сен ҳам севасанми?” деган саводсизларча ёзилган рекламани. Шу тариқа то ишга етиб боргунча реклама “истеъмол” қилиб борасиз. Ишдан қайтгунингизча ҳам шу аҳвол – уйингизгача реклама шарпалари кузатувида келасиз. Негадир рекламаларнинг 90 фоизи очиқ-сочиқ хотин-қизлар иштирокида қилинади. Камига телевизордаги реклама деган беҳаёликлар...

Руҳиятшуносларнинг таъкидлашича, ўтиш давридаги ўсмирларнинг онгига ҳар қандай ахборот жуда тез таъсир





кўрсатади. Яъни, балоғат осто-насидаги йигит ёки қиз экран-даги беҳаёликларни қандай қа-бул қиляпти? Уларга фаҳш ва беибо кийинишни, оломонча маданиятни ким ўргатмоқда? Телеканаллардаги ана шу на-мойишлар эмасми? Тагин ку-нора фалончи қиз беникоҳ туғиб, боласини ҳожатхона-га ташлабди, фалончи мак-таб ўқувчиси қизнинг номуси-га тегибди, деган хабарларни эшитсак, “Ёшлар қаердан бун-дай беҳаё, нодон бўлиб кетиш-ди?!” дея маломат тошларини отамиз. Ахир улар ҳар куни те-леканаллар орқали (энг одобли ва ота-она назоратидаги ёшлар ҳам) уятсиз ва шарманда на-мойишларни томоша қилма-яптими?

Аллоҳ таоло Ўз Каломида уятсиз, беҳаё ва фаҳш ишлар-ни қоралаб, бундай жиноят-ларни тарғиб этувчи ҳамда бундан манфаат кўрувчилар-ни қаттиқ огоҳлантирган:

“Албатта, иймон келтир-ганлар ичида фаҳш тарқа-лишини яхши кўрадиган-ларга бу дунёю охиратда аламли азоб бордир. Ал-лоҳ биладир, сизлар бил-массизлар” (Нур сураси, 19-оят).

Хорижда тадбиркорлар реклама қилинаётган маҳсу-лотнинг бозори чаққон бўли-ши учун унга яланғоч, уятсиз элементларни қўшишни хуш кўрадилар.

Бу хил рекламанинг яширин тури ҳам мавжуд. Яъни, турли ҳиссиётли овозлар, эҳтиросли

қарашлар ёрдамида одамлар-ни ўзига жалб этиш усули.

Бундай лавҳалар телетомо-шабинларнинг онг остига таъ-сир кўрсатиш учун атайлаб қў-шилган. Нима бўлган тақдирда ҳам бу каби рекламаларнинг намоиши ўта зарарли. Бугун андиша қилиб, ушбу ҳолатга кўз юмаётганимизнинг бада-ли оғир бўлади.

Зеро, Аллоҳ таолонинг иқо-би ва азоби ғоят шиддатлидир. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай оятлар нозил бўлган:

“Сизлардан ким аниқ фаҳш ишни қилар экан, унинг учун азоб икки ба-робар зиёда қилинур. Бу (каби жазоларни бериш) Ал-лоҳга осондир” (Аҳзоб сура-си, 30-оят).



Мамлакатимиз қонунчили-гига кўра, рекламанинг вази-фаси учта: маълумот бериш, ишонтириш ва эслатиш. Уш-бу уч омилнинг бирортасида ноқонуний ҳаракатлар бўлмас-лиги лозим. Акс ҳолда, рекла-ма берувчи ва тарқатувчи жа-вобгарликка тортилади.

Яна бир дақиқлик, Ўзбекис-тон Республикаси “Рекла-ма тўғрисида”ги Қонунининг

14-моддасида бундай дейил-ган: “Яширин реклама истеъ-молчининг идрокига унинг ўзи англамаган ҳолда таъсир ўтка-задиган, шу жумладан, махсус видео иловалардан (қўш овоз-ли ёзувдан) фойдаланиш йў-ли билан ҳамда бошқа усуллар билан таъсир ўтказадиган рек-ламадир.

Яширин рекламадан радио-, теле-, видео-, аудио- ва кино маҳсулотда, шунингдек, бошқа маҳсулотда фойдаланишга ва уни ўзга усуллар билан тарқа-тишга йўл қўйилмайди”.

Бироқ бугунги кунда телека-наллар (айниқса, хусусий ка-наллар)да намоиш этилаётган сериаллар, фильмлар, клиплар ва рекламаларнинг аксарияти “яширин реклама”га асослан-маяптими? Уларнинг асосий маҳсулоти ортда қолиб, тарғиб этилаётган ғоя умуман бошқа-ча тус олмаяптими (шаҳват, ҳа-ёсизлик, одобсизлик)?

Хуллас, Ватанимизда фаоли-ят юритаётган тадбиркорлар, оммавий ахборот воситалари, телеканаллар, реклама агент-ликлари ҳамда соҳага тааллуқ-ли юридик ва жисмоний шахс-лар мамлакатимиз қонун-қо-идаларига бўйсуниб, миллат шаъни ва қадриятларини ҳур-мат қилиб, халқимизнинг ди-ний, маънавий ва ахлоқий қа-рашларидан келиб чиққан ҳол-да иш юритиб, Раббимиз азиз қилиб қўйган нозик хилқат ва-киллари рекламга қурбон қилмаганлари маъқул.

Дамин ЖУМАҚУЛ

Ғам-андухни кетказишнинг 27 йўли

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Йигирма биринчи йўл:

“Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакил”.

Маъноси: “Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли ва У қандай ҳам яхши вакил”.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «**“Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли ва У қандай ҳам яхши вакил”.** Иброҳим алайҳиссаломни Намруд оловга ташлаганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳамроул Асад ғазотида мушрикларнинг **“Албатта, одамлар сизга қарши куч тўпладилар, улардан қўрқинглар”**, деган чақириғига қарата ушбу дуони айтганлар» (Имом Бухорий ривояти).

Иброҳим алайҳиссалом оловга ташланаётганларида мазкур дуони ўқиганлар. Шундан сўнг олов у зотга салқинлик ва омонлик бўлди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Уҳуд ғазотидан кейин Ҳамроул Асадда эканларида Абу Суфённинг “Аллоҳга қасам, дарҳақиқат, биз уларни таг-туғи билан йўқотиш учун ҳужум қилишга тўпландик”, деган хабари келди. Бу-

ни эшитиб Набий алайҳиссалом ва саҳобалар мазкур дуони айтадилар. Аллоҳ таолонинг марҳамати билан мусулмонлар зиён-заҳмат кўрмасдан, Парвардигорнинг розилигига эришган ҳолда қайтиб кетадилар.

Уламолар бундай дейишади: **«Уларга кишилар: “Албатта, одамлар сизга қарши куч тўпладилар, улардан қўрқинглар”**, деганида иймонлари зиёда бўлди ва: **“Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли ва У қандай ҳам яхши вакил”**, дедилар» (Оли Имрон, 173) ояти Уҳуд ғазотида талафот кўрган ва жароҳат олган саҳобалар ҳақида нозил бўлган. Ўшанда уларга “Абу Суфён сизга қарши ҳужум уюштириш мақсадида одамларни тўплади”, дейилади. Расулulloҳ алайҳиссалом саҳобаларни Абу Суфён билан навбатдаги тўқнашувга тайёр туришга ундадилар. Кўрган талафотлари, олган жароҳатлари ва етмиш мусулмоннинг шаҳид бўлганига қарамасдан саҳобалар Аллоҳ ва Унинг расули чақириғига жавоб қилишди. Шундан сўнг Оли Имрон сураси-

нинг 172–173-оятлари нозил бўлди: **«Улар жароҳат етгандан кейин ҳам Аллоҳ ва Пайғамбар чақириғига жавоб берадиганлардир. Улардан яхшилик ва тақво қилганларига улуғ ажрлар бордир. “Албатта, одамлар сизга қарши куч тўпладилар, улардан қўрқинглар”**, деганда». Яъни, Абу Суфён ва тирик қолган баъзи бир қурайш раислари кишиларни тўплаб, Набий алайҳиссалом ва мусулмонларни таг-томирлари билан йўқ қилишни истадилар. Лекин Аллоҳ таоло нуруни тамомига етказиш учун уларни ниятига етказмади.

Саҳобаларга **«“Улардан қўрқинглар”**, деганда иймонлари зиёда бўлди». Бosis мўминнинг танг ҳоли кучайган сари унинг иймони зиёдалашиб боради. Албатта, мўмин сабр ортидан нусрат, ғам-ташвишдан кейин хурсандчилик, қийинчиликдан сўнг енгиллик борлигини билади. Шу сабаб саҳобаларнинг иймонлари зиёда бўлиб: **«“Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли ва У қандай ҳам яхши вакил”**, дедилар».

“Бизга етарли”, яъни вазифамизни бажаришимизда ҳам, балоланганимизда ҳам бизга Аллоҳ етарлидир. **“У қандай ҳам яхши вакил”**. Яъни, Парвардигор кифоя қилувчи, У қандай ҳам яхши Мавло ва яхши қўллаб-қувватловчидир.

Аллоҳ таоло ёрдам сўраганга ёрдам беради. Чунки У карамлиларнинг карамлиси, сахийларнинг сахийидир. Мўмин ишларида Аллоҳга юзланса, унга ёрдам беради ва йўллайди. Лекин биз жуда кўп бош тортамиз. Маънавиятга эмас, моддиятга суянамиз.

Саҳобалар таваккуллари боис талафот кўрмадилар. Абу Суфён ва у билан бирга келганлар ортларига қайтиб кетишди. Набий алайҳиссалом ва мусулмонларга қарши ҳужум қилишмади. Аллоҳ таоло саҳобалар розияллоҳу анҳум ҳақларига жангсиз ғазот ёзди ва бундай марҳамат қилди: **“Бас, Аллоҳнинг неъмати ва фазли ила уларга ёмонлик етмасдан қайтдилар ва Аллоҳнинг розилигига эришдилар. Аллоҳ улуғ фазл Эгасидир”** (Оли Имрон сураси, 174-оят).

Йигирма иккинчи йўл:

“Ҳасбияллоҳу лаа илааҳа илла ҳува ʼалайҳи таваккалту ва ҳува Роббул ʼаршил ʼазийм”.

Маъноси: “Ундан ўзга илоҳ бўлмаган Аллоҳ – Ўзи етарли вакилдир. Унга таваккал қилдим ва У буюк Арш Раббисидир”.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу бундай деди: «Ким тонг отганда ва кеч кирганда: **“Ҳасбияллоҳу лаа илааҳа илла ҳува ʼалайҳи таваккалту ва ҳува Роббул ʼаршил ʼазийм”**, деб етти марта айтса, Аллоҳ таоло унинг ташвишини аритади» (Имом Абу Довуд ривояти).

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси



Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва саллам:

1. Ўрта бўйли эдилар;
2. Ранглари оқ-қизил, юзлари буғдойранг эди;
3. Олдинга мойил бўлиб юрардилар;
4. Икки елкалари ораси кенг эди;
5. Бошлари катта, юзлари думалоқроқ, кўзлари қора эди;
6. Киприклари узун эди;
7. Тана аъзолари бир-бирига мутаносиб, хушбичим эди;
8. Пешоналари кенг, қошлари қўшилмаган, эгик эди;
9. Тишлари майда, ялтироқ, олдинги тишлари бир-биридан алоҳида кўринар эди;
10. Икки елкалари ўртасида пайғамбарлик муҳри бор бўлиб, бу муҳр каптар тухумидек келадиган қизғиш гўшт, усти тук эди;
11. Сув ичганларида уч бор тўхтаб-тўхтаб, нафас олиб ичардилар;
12. Аввал икки ракат енгил намоз ўқиб, сўнггра таҳажжудга киришардилар;
13. Қуръонни ўзгадан эшитишни севардилар;
14. Уйдаги вақтлари учга бўлинарди: ибодат; уй юмушлари; шахсий ишлар;
15. Сарик либосни суймас эдилар;
16. Ҳеч кимни урмаганлар;
17. Ҳадя олиб, мукофот берардилар;
18. Узоқдаги товушларни ҳам эшитар, ҳеч ким кўра олмайдиган масофани бемалол кўрар, қоронғида ҳам кундузгидек бемалол кўраверар эдилар;
19. Ҳар кимнинг ақлига мослаб сўзлардилар;
20. Кулишлари чиройли табассум эди;
21. Бир марта ҳаж, тўрт марта умра қилганлар;
22. Кам овқат ер, кам ухлар эдилар;
23. Ўзлари учун интиқом олмасдилар;
24. Вафот этганларида Али розияллоҳу анҳу ғусл қилдирган, амакилари Аббос ва у кишининг ўғли Фазл ёрдам берганлар, қабрни Абу Талҳа қазиган;
25. Мерослари садақа қилиб берилган.

“Siyrat.uz”дан олинди.



Ҳаё кўтарилса, иймон қолармиди?..

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз солаллоху алайҳи ва саллам: **«Иймон етмиш нечта ёки олтмиш нечта шўъбадан иборат. Унинг энг афзали – “Лаа илаҳа иллаллоҳ” демоқлик ва энг кичиги – йўлдаги озор берадиган нарсани олиб ташлаш. Ҳаё иймоннинг шўъбасидир»**, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Ҳадиси шарифда энг олий ва энг қуйи шўъбалардан кейин ҳаёнинг алоҳида таъкидланиши бежиз эмас. Чунки ҳаё иймоннинг энг ажойиб кўриниши, у инсонни доимо яхшилик қилишга, ёмонликдан четланишга чорловчи ажойиб сифатдир.

Уламолар ҳаёни икки турга бўлганлар: туғма ва касб

қилинган. Касб қилинган ҳаё шариатда иймоннинг шўъбасидан бири ҳисобланган. Чунки шариатда ўша ҳаё талаб қилингандир, туғма ҳаё эмас. Негаки, туғма ҳаё ўз-ўзидан бор нарсас.

Муновий: “Ҳаё икки хил бўлади. Биринчиси – нафсоний. У барча нафсларда халқ қилинган бўлади (яъни туғма). Мисол учун, авратни очишдан ёки одамлар ҳузурда жинсий яқинлик қилишдан ҳаё қилиш кабилар. Иккинчиси – иймоний. У мусулмоннинг Аллоҳ таолодан қўрқиб ҳаром ишларни қилишдан тийилишидир”, деган.

Мусулмон одам туғма ҳаёнинг ёнига шариат талабларидан келиб чиққан ҳолда касб қилинган ҳаёни ҳам қўшиши лозим. Аёл-қизлар

ҳаёнинг иймон талаб қилган қисмини касб қилиш қолиб, туғма ҳаёни ҳам “унутиб” юбормоқдалар.

Афсуски, йилдан-йилга очиқ-сочиқ кийинишда “мусобақалашаётган” аёл-қизлар кўпаймоқда. Ачинарлиси, ўша кийимларни уларга одоб-ахлоқ ўргатиши лозим бўлган оналар сотиб олиб бермоқдалар. Ёшлар дин тақиқлаган ишларни кўча-кўйда қилишдан ҳам тортинмай қўйди. Ибосидан бегона инсонга исмини сўйлай олмаган қизлар тарихда қолди. Бугун жамоат жойларида бир-бирига беҳаё сўзларни сўзлаётган аёллар, ачинарлиси, бир-бирларини мен севган инсонга кўз тикди деб дўппослаб, интернет саҳифаларига тушаётган қизлар кўпайди. Беҳаёлик-

ни оммавий равишда тарғиб қилаётган ёшгина ўзбек блогер қизлари пайдо бўлди. Қизиги, бу қиз болалик шаъни тугул одамийликка ҳам ярашмайдиган “касби”дан бутун авлод-аждоди бохабар...

Бу каби ҳолларни кўрган ҳар қандай инсон: “Тавба, буларнинг ота-онаси қарга қараяпти? Қилаётган хатти-ҳаракатидан кўзлаган мақсади нима? Ақл-хуши жойидами ўзи?!” дейиши тайин.

Бундай ҳолатларни кузатар эканмиз, ўринли савол туғилади: “Мазкур аянчли аҳволнинг сабаби нима? Бунга ким айбдор? Болаларимизни бундай номаъқул вазиятлардан қандай асраб-авайлаш мумкин?”

Айтиш мумкинки, глобаллашув жараёнида яшайпмиз. Барча соҳаларда жадаллашув жараёни кетмоқда. Шунга мос равишда маънавият ва маданият соҳасида ҳам ўзгаришлар содир бўлмоқда. Аксар ҳолларда ҳали дунёқараши, шахсияти шаклланиб улгурмаган ёшларимиз ахборот оқими билан кириб келган ғарбга хос оломон маданияти таъсирига тушиб қолмоқдалар. Ачинарлиси, қилаётган хатти-ҳаракатларини андишасизлик эмас, замон билан ҳамнафас қадам ташлаш деб тушунадилар. Оқибатда эса бир кичик гуноҳ каттароқ гуноҳга, гуноҳлар эса жи-

ноятларга, жиноятлар бир умрлик ортга қайтиб бўлмас оқибатларга сабаб бўлмоқда.

Хотини бегона эркак билан ишқий муносабатда бўлганини телефон ёзишмаларидан англаган йигит икки инсон қотилига айланмоқда... Икки норасида гўдак ҳам ота-онасидан айрилмоқда. Ота умрини қамоқда ўтказди, она қора тупроқда. Гўдаклар эса оиласининг фожиасидан ярим жон бўлиб қолган нафақа ёшидаги бувининг қўлида қолади.

Ҳаё ва ибони йиғиштириб, ношаръий ишқий муносабатларда яшаган қиз йигитига ҳомиладорлигини айтиб, уйланиши кераклигини уқтирганда ўйин-кулги, кайфу сафони оилавий машмашаларга алмаштиришни хоҳламаган йигит осонгина қизни ўлдириб, муаммосини “ҳал” қилиб қўя қолади.

Ҳали мактаб ёшида эканига қарамай, ҳомиласини дунёга келтиради. Бироқ норасида гўдакни ўлдириб, йўқ қилиб, ўз номи-ни оқлашга уринади...

Бундай вазиятларнинг бош омили ҳаёсизлик, ифбатсизлик, уятсизлик эмасми?!

Аслида, азиз журналхон, бу каби ачинарли ҳолатлар сизу бизга узоқда содир бўлгандек туюлиб, уларни безътибор қолдиришимиз мумкин. Бироқ унутмаслик лозимки, фарзандларимиз,

келажак авлодларимиз ҳам шу жамиятда яшайди. “Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар”, деганларидек, бу номаъқул ҳолатларга кўзи тушаверса, болаларимиз ҳам уларни одатий ҳол ҳисоблаб қоладилар. Эскиларнинг бир гапи бор: “Ўрик ўрикдан ранг олуру”. Аллоҳ сақласин!

Шу сабабли ҳам фарзандларимиз тарбиясига жиддий қарашимиз, уларда ҳаё-ибони бош тожи билган момоларимизнинг феъли сажи-яларини шакллантиришимиз лозим. Бу йўлда яна бизга болаларимизга Аллоҳни танитиш, уларда диний эътиқодни шакллантириш асосий ёрдамчи бўлади. Яъни, банда ҳар он унинг барча амалларидан, ҳолатидан Аллоҳнинг бохабар эканини англаса, У Зотнинг ғазабидан кўрқса, иншоаллоҳ, бу каби номаъқул ишлардан ўзини тияди.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: **“Ҳаё ва иймон иккиси бирга яқинлаштирилган. Қачон улардан бири кўтарила-са, бошқаси ҳам кўтарилади”** (Имом Ҳоким ривояти).

Шундай экан, иймоннинг ажралмас бўлаги бўлган ҳаёнинг қалбларимиздан кўтарилишига асло йўл қўймайлик!

Нигора АБДУМУХТОР қизи

Тил мавсумий ҳодиса эмас

Ҳар йили 21 октябрь яқинлашаверса, Ҳамид Олимжоннинг “Ҳар баҳорда шу бўлар такрор” деган шеъри ёдимга тушади. Тил ҳақидаги мақолалар, ёниқ шеърлар, жўшқин чиқишлар кўнгилни қувнатиб, фахрга тўлдиради. Аммо 21 октябрь ўтиб кетгач, ундан олдинги ва кейинги бир ҳафта-ўн кунлик “эътибор” йўқолиб қолади. Гўё тил мавсумий ҳодисадек.

Ҳолбуки, тил миллат тақдирини ҳал қиладиган ҳодиса эканини деярли ҳамма билди. Унинг борлиги – миллат борлиги, унинг йўқлиги эса неча асрлик тарихга, қадриятларга, маданиятга, ривожланиш йўллариغا эга бўлган бутун бошли миллатнинг йўқ бўлишига олиб келиши маълум.

Бирор ишга киришда номзодлар иш берувчи томонидан синалади – салоҳияти, қобилияти, тезкорлиги, мантикий фикрлаши ва ҳоказо. Аммо давлат тили бўлган ўзбек тилини қанчалик билиши, ёзиш, сўзлаш қонун-қоидалари сўралмайди. Аксар ҳолларда ўзбек тили олий ўқув юртига кириш учун имтиҳон тилигина бўлиб қоляпти.

Кўчаларимизда “Мы открылись”, “Дом продаётся”, “Open”, “Close” ва ҳоказо ёзувлар кенг тарқалган. Балки рус ёки инглиз келиб қолса, тушунмай қолмасин, деган мақсадда шундай қилинар. Лекин “Ўзбекистон деган давлатга келгач, тилини ҳам тушунишга уринсин, бу давлатга нисбатан ҳурматни билдиради”, деган фикр ҳам бўлиши керак-ку! Бирор чет давлатда ўзбеклар

ҳам яшагани ё келиб қолиши мумкин, деган андишада “Дўкон очиқ”, “Дорихонада тушлик” ёки “Ошхона сотилади” деган ёзувни кўрганмисиз?! Йўқ, албатта!

Масалага она тили деб эмас, давлат тили деб ёндашиш вақти аллақачон келди. Шундагина вазият ўнгланиши мумкин. Давлат тили расмий мақом. Бўйсунини шарт. Бажариш мажбурий. Амал қилмаганлар жазога тортилади. Шундагина ростдан ҳам давлат тили сифатида ўз тилимиз ишлай бошлайди. Шундагина ҳар бир ўзбекистонлик “Нега “Очиқ” дейиш мумкин бўлган жойга “Открыто” ё “Open” деб ёзишим керак?!” деб ўйлай бошлайди.

Деярли барча ёшлар, ўрта ва катта авлод ҳам инглиз тилини мукамал ўрганишга ҳаракат қилади. Вақти ҳамда пулини аямайди. Чунки келажагини қуришнинг энг ишончли ва самарали йўли шу эканини билади. Лекин ўзбек тилини ўрганиш ҳам ҳаётий эҳтиёжга айланмас экан, давлат тилида тўлиқ ва тўғри гапира олади-ган, ёза оладиганлар камаяверади. Анча олдин ижтимо-

ий тармоқларда “Марҳамат қилиб сени олижаноблик билан ўз бағрига олган, пул топишинг учун иш берган давлат тилида гапир!” деб ёзилган сурат таркаганди (Россияда бўлган). Бу жуда ўринли ва амалий талаб. Ҳар бир ўзбекистонлик онгида “Ўз тилимни билишим шарт!” деган тушунча мустақамланиши керак. Кореяга ишга бориш учун корейс, АҚШ, Англияга бориш учун инглиз, Олмонияга бориш учун олмон, Японияда ишлаш ё ўқиш учун япон тилидан имтиҳон топширамиз. Нега Ўзбекистонда ўқиш, ишлаш учун давлат тилида имтиҳон топширмаймиз? Ўзбек тили оила даврасида – маиший даражада қолиб кетмоқда.

Ҳаммамиз Ватанимизни яхши кўрамиз. Шундай экан, унинг давлат тилига ҳам ҳурматимиз юксак бўлиши керак. Биз эса ўз хоҳишимиз билан ҳаётимизни ғарблаштиряпмиз, тилимизни ғариблаштиряпмиз. Тилимизни биз ўзимиз иккинчи даражага туширсак, қадрламасак, ўзгалардан буни қандай талаб қиламиз?!

Муҳайё ЙЎЛДОШ,
адабиётшунос



Шайх Али ТАНТОВИЙ

Эй қизим!



(Давоми.

Бошланиши ўтган сонларда.)

Ҳикматлардан бирида: “Кимнинг хулқи ёмон бўлса, ўзини қийнабди!” дейилган.

Гўзал хулқ бу атрофингдагиларга Раббинг буюрганидек муносабатда бўлишдир.

Ҳаким Раббимиз марҳамат қилади: «...Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганингизда атрофингиздан тарқаб кетар эдилар. Бас, уларни афв этинг...» (Оли Имрон сураси, 159-оят). Шундай экан, Набийимиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга буюрилган хулқ сенга ҳам буюрилгандир.

Эй қизим! Менинг ёшим элликка бориб қолди. Йигитлик ҳалимлик ва қўрқувни ваъда қилгани ҳолда узоқларда қолди. Мен кўп одамларга йўлиқдим, дунёдан хабардор бўлдим. Ёшимнинг катталигидан

ва тажрибамга кўра, мендан аниқ соғлом сўзни тингланг, уни бошқалардан эшитмаганиз.

Дарҳақиқат, биз китоблар ёздик ва ахлоқларни эгаллашга, фасод ва шаҳватнинг ёмонлигини кетказишга чақирдик, ҳатто қаламлар мендан безиб кетди, тиллар толиқди. Ҳеч нарсани уддалай олмадик, мункар ишларни йўқ қилолмадик. Аксинча, ёмон ишлар зиёда бўлди, фасод кенг ёйилди. Очиқ-сочиқлик, яримянғочлик ҳаддан ошиб, кўланкасини кенгайтирди, шаҳардан шаҳарга кўчиб ўтди. Биз ҳам ундан нажот топмадик, яқин орада нажот топишимиз даргумондир. Биласизми, нима учун? Чунки биз шу кунгача ислоҳ эшигини тополмадик, ислоҳнинг йўлини билмадик. Ўша ислоҳ эшиги сизнинг рўпарангизда, эшикнинг калити эса сизнинг қўлингизда экан, агар у эшикнинг борлигига амин бўлиб, ундан киришни уддаласангиз, ҳолат ислоҳ бўлади (яъни, қизлар яхши тарбия олса, ёмонликлар ислоҳ бўлади – тарж.).

Албатта, гуноҳ йўлига биринчи қадамни босувчи эр-

какдир, ҳеч қачон аёл аввал қадам босмайди. Лекин аёл рози бўлмаса, эркак қадам босмайди, аёл юмшоқ муомала қилмаса, эркак ҳаракат қилмайди. Аёл унга эшикни очсагина, кириши мумкин. Ўғрига эшикни очиб: “Марҳамат!” дейди, кейин “Мени зўрлади”, деб айюҳаннос солади.

Билсангиз, барча эркаклар бўридир, сиз қўй кабисиз. Қўй бўридан қочганидек, улардан қочинг. Ҳаммаси ўғридир. Бўри қўйдан фақат гўштини хоҳлайди. Эркак кишининг сиздан хоҳлайдиган нарсаси қўйнинг гўшtidан азизроқ, ёмонлиги эса ўлимдан қаттиқроқдир. Унинг сиздан хоҳлайдиган нарсаси сиз учун шараф ва фахр бўлган иффатингиздир. Эркак киши тарафидан иффат сабабли мусибат етказилган қизнинг ҳаёти бўри тарафидан гўшти сабабли мусибат етказилган қўйнинг ўлиmidан юз марта қаттиқроқдир...

(Давоми бор.)

Таржимонлар:
Иймон Али КИТОБ АЛИЕВ,
Сайдуллоҳ АҲМЕДОВ



Онамнинг олтин дуоси

Бир куни университет ётоқхонасида биринчи курс талабалари билан “Жаҳолатга қарши – маърифат” мавзусида суҳбат олиб бордим. Улар ўзларини қизиқтирган саволларни беришди. Шунда қизлардан бири:

– Устоз, сизга жуда ҳавасим келди. Шундай даражага етганингиз, орзуларингизга эришганингизнинг асосий омили нима ёки ким деб ўйлайсиз? – деб сўради.

Хаёлимга келган жавоб кўзимга ёш, қалбимга титроқни олиб кирди. Соғинч ҳисси билан онажонимни эсладим. Ҳикоямни бошлар эканман, ўтмиш тасвирлари бир-бир кўз олдимдан ўтар эди:

– Ўтган асрнинг 70-йилла-

рида ўрта мактабни тугатишим арафасида синф раҳбарим отамнинг олдига келди. Узоқ суҳбатлашгандан сўнг устозим тушкун бир ҳолатда чиқиб кетгач, уйга онам кирди. Мен эшик олдида ҳайрон ҳолда ўтирдим. Онам синф раҳбаримизнинг нега келганини

сўради ва сўнгра отамнинг алам тўла, ғазабнок товуши эшитилди: “Қани давлат, қани ҳақиқат?! Болам ўн йил

аъло баҳоларга ўқибди-ю, унга олтин медаль беришлари учун мен фалон сўм пора беришимни сўрашса! Бермайман! Қаерга борса – борсин, бошидан қолсин медали!”

Шундай қилиб, менга олтин медаль берилмади. Кўз ёшларимни артган онам бошимни бағрига босиб, қалбимга тасалли берди:

– Болам, Худо хоҳласа, билимнинг бўлса, медалсиз ҳам ўқишга кирасан.

Дуога қўл очди. Мен ҳам кўз ёшларимни артиб, онамнинг дуоларига қўшилдим.

Институтга кирдим, тўрт йил “аъло” баҳоларга ўқидим. Бир сафар бизнинг инс-

титутда Алишер Навоийга бағишлаб Республика олимпиадаси ўтказиладиган бўлди. Жамоамиз кечаю кундуз Алишер Навоийни ўқиб-ўрганишди, ёд олишди. Мен тайёргарлик вақтида улуғ Навоийнинг бошқа асарларидан ташқари йигирмата ғазалини ёдладим. Олимпиада бошланди. Не бахтки, бизнинг гуруҳга мен тайёрлаган мавзу – “Алишер Навоий ғазалиёти” берилди. Ҳайъат аъзолари саволлар бериб синадилар ва жавобларимдан мамнун бўлишди.

Онам менга кўп насихатлар қилди, ношукрлик ва шукроналик ҳақида гапирди:

– Болажоним, куюнма, бандаси бергани ҳисоб эмас, Яратган бермоқдан сиқмасин. Сен мактабдаги меҳнатларинг роҳатини институтда топдинг. Шу мусобақа сабабли билимнинг зиёда бўлгани сенинг мукофотингдир.

Ўқишни тамомлагач, қизил дипломимни қўлга олдим, шукр қилдим, онам дуоси ижобат бўлди. Муаллимликдан бахт топдим. Олтиндан қимматроқ бойлик – отам ва онам ризолигига эришдим.

Кўзимдаги ёшларимни артар эканман, қизларнинг ёшланган кўзлари ва ҳаяжонли нигоҳлари менда эди.

Дилором КАРИМОВА,
филология фанлари
номзоди, доцент



Ўксик қалбларни севинтирган Аллоҳга шукр!

Мушкул ҳолда қолган аёл чорасизликдан чиқишга йўл излади. Хаёлида қарз сўраши мумкин бўлган инсонлар рўйхатини тузди.

Тандирда нон ёпа туриб Аллоҳга шукр қилди. Бир дона иссиқ нонни дастурхонга ўради. Бутун танасини қувватлантирган ва ҳалол ризқ топиши учун оёқларини юргизиб қўйган Раббим барча мушкулларни осон қилгувчидир, деб ўзини юпатди.

Онасини йўқлаб, бирор юмуши бўлса, бажариб келишни ният қилиб йўлга чиқди. Хаёллар билан бўлиб бир қишлоқдан ўтиб, иккинчи қишлоққа етиб келганини сезмади. Бир онахоннинг илиқ сўрашуви хаёлини бузди. Онахон бироз кутиб туришини илтимос қилиб, уйига кириб кетди. Сўнг қўлида нимадир олиб чиқиб, аёлга берар экан, қаҳрамонимизнинг ҳайратдан тили калимага келмасди. Чунки унга етадиган миқдордаги пулни қўлига тутқазиб: “Сиз бу пулга муҳтож эмассиз, биламан, лекин кўнглимда нимадир шуни сизга беришим кераклигига ундади”, деди ийманиб. Бу Аллоҳнинг унга берган мукофоти эди.

Аёлнинг кўзлари ёшга тўлди. Бўғзига нимадир тиқилди. Онахонни қучоқлаб олди. Тўйиб-тўйиб йиғлади. Кўзёшларини сира тўхтата олмасди. Онахон ҳайратланиб, аёлни ҳафа қилиб қўйганидан хижолат тортди. Аёл эса ўзининг нотавонлигидан йиғлаётганини тушунтириб, пулни олмай, йўлида давом этди.

Ота-онасини йўқлаб, дуоларини олиб уйига келар экан, кўнгли хотиржам бўлди. Фарзандларини бағрига босиб, чин дилдан тавба қилди. Аллоҳнинг розилиги учун, болаларининг келажаги учун ўзи ҳаракат қилиши кераклигини дилига янада маҳкамроқ тугди.

Рўзғор юмушлари билан банд бўлиб кеч кирганини ҳам сезмай қолди. Уйининг олдида машина келиб тўхтади. Акаси экан, синглисини йўқлаб келганини айтди. Кетиш олдидан оз бўлса ҳам, шу пулни олгин, камкўстингга ишлатарсан, дея синглисининг қўлига пул тутқазди.

Бу не ҳолки, Аллоҳ бандаларига шунчалик раҳм қилса! Ўксик қалбларни севинтириб, йўқ жойдан ризқлантирса...



Аллоҳ таоло марҳамат қилганидек: **“Осмонлар ва Ердаги борлиқ Аллоҳникидир. Аллоҳ ҳар нарсани билгувчидир”** (Нисо сураси, 126-оят).

Биз бандалар мўмин биродаримизнинг ҳолидан беҳабар қолишимиз мумкин, лекин Буюк Зот ҳар доим хабардордир. Аёл ҳолидан нолимади, ношукрлик қилмади. Аллоҳ эса Раҳим сифати билан раҳм қилиб, уни Ўз мукофоти ила сийлади. Аллоҳ доим яхшиларни яхшиликлар билан мукофотлайди. Энг яхши мукофот эса – Аллоҳ розилигига эришиш.

Раббимиз барчамизни Ўз розилигига эриштирсин!

Меҳригул ШОНАЗАРОВА,
“Ҳафқориён” маҳалласи
отинойиси



Xatoning yechimi nimada?

Uchinchigiz xafa bo'lmasin!

Tasavvur qil, ikki do'sting bilan o'tiribsan. So'ngra ular pichirlab gaplashgancha sendan uzoqroqqa o'tib olishdi. Sen esa: "Ehtimol, men haqimda gaplashishayotgandir, qiziq, bilishimni istamayotgan qanday sirlari bor ekan?" deya gumon qilib ranjib qolding.

Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bu holatni ko'rganlarida u ikkovini bu qilmishidan qaytarardilar. Zero, bunday ish haqida: **"Agar uch kishi bo'lsangiz, toki odamlarga aralashib ketmaguningizcha ikkingiz uchinchikishisiz pichir-pichir qilmasin. Chunki bundan uchinchigiz xafa bo'ladi"**, deganlar (*Muttafaqun alayh*).

Bir do'stni yolg'iz qoldirib, boshqasi bilan yashirin suhbatlashuvchi kimsa bo'lma! Birodaring odamlarga aralashib ketmagunicha yoki u bilan so'zlashish uchun boshqa odam kelmagunicha ikkinchi hamrohing bilan suhbatlashmay tur. Aks holda, u yomon gumonga borishi mumkin.

Agar do'stlaring sendan uzoqda gaplashishsa, yomon gumonga borma. Chunki ular senga tegishli bo'lmagan ish yuzasidan suhbatlashayotgan bo'lishi mumkin.

O'zgalarning ham haqlarini bil!

Nabiy alayhissalom har bir haq egasining haqini va har bir fazl egasining fazlini bilardilar. Xususan, u zotni tarbiyalagan, kichikliklarida parvarishlagan, enagalik qilganlar haqini e'tirof etardilar.

Shuningdek, ularning fazl-u marhamatlari qadriga yetib, shunga yarasha yaxshilik bilan javob qaytarardilar. Yaxshilikni e'tirof etish va unga vafo qilish borasida eng yuksak namuna edilar.



Ummatlarini ham shunday bo'lishga, ota-onaga yaxshilik qilish, ularga chiroyli muomala etishga chorlardilar. Abu Hurayra roziyallohu anhu aytadi: «Bir kishi Rasululloh sollallohu alayhi va sallam oldilariga keldi va: "Yaxshilikni kimga qilaman?" deb so'radi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: **"Onangga"**, dedilar. U: "So'ngra kimga?" deb so'radi. Nabi alayhissalom: **"Onangga"**, dedilar. U yana: "So'ngra kimga?" deb so'raganida Payg'ambarimiz alayhissalom: **"Onangga, so'ngra otangga"**, deb marhamat qildilar» (*Muttafaqun alayh*).

Albatta, farzand ota-onasiga yaxshi munosabatda bo'ladi, nasihatlariga quloq soladi. Zero, ota-ona farzandiga yaxshilikdan o'zga narsani xohlamaydi. Uning eng yaxshi inson bo'lib yetishishini istaydi. Shuningdek, farzandlarining Alloh rizosini qo'lga kiritishlari va oxiratda jannatga erishishlarini eng ko'p xohlovchi ham ota-onalardir.

Gunohlarni nima ketkazadi?

Alloh taolo insonning unutulgan ekani, qilgan xatosiga nadomat chekishi hamda "Qaniydi xatoga yo'l qo'ymaganimda..." deb afsuslanishini biladi.

Unda xatoning yechimi nimada? Albatta, istig'forda!

Alloh bizlarni har kuni takror-takror ado qilinadigan ibodatga buyurdi. Bu ibodatlar bizni poklaydi.

Abu Hurayra roziyallohu anhu aytadi: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning: **"Aytinglar-chi, agar biringizning eshigi oldida anhor oqsa va u o'sha anhorda har kuni besh mar-ta yuvinsa, kirdan biror narsa qoladimi?"** deb so'raganlarini eshitdim. Sahobalar: "Hech kir qolmaydi", dedilar. U zot sollallohu alayhi va sallam: **"Alloh besh vaqt namoz ila gunohlarni shu kabi yuvadi"**, dedilar» (*Muttafaqun alayh*).

Abu Mus'abning Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan jannatda hamroh bo'lishni so'ragan paytidagi **"Sajdani ko'paytirish bilan o'zing haqingda menga yordam qil"**, degan vasiyatlarini unutmang. Albatta, tahorat va namoz gunohlarni ketkazadi.

Ey Payg'ambarimiz alayhissalomni sevuvchi bolajonlar! Aytib o'tganlarimiz Nabi alayhissalomning axloqlaridan namunalar, xolos. Agar ko'proq ma'lumot istasangiz, juda serob.

Sizlarga Rasululloh sollallohu alayhi va sallam haqlarida gapirishdan ko'ra yaxshiroq boshqa narsa topmadim. U zot kabi amal



qilsangiz, dunyo va oxiratda saodatga erishasiz.

Qalbingizni u zotning muhabbati bilan to'ldiring. Xulqlari bilan ziynatlang. Tilingizni u kishining so'zlari bilan boyiting.

Payg'ambarimiz alayhis-salom sunnatlarini yer yuzida yoying va zamin uzra bayroqlarini yuksaltiring. Shundaygina dunyoda eng yaxshi ne'matlarga, oxiratda esa u zotning hamrohliklariga erishasiz.

«Muhammad Allohning rasulidir. U bilan birga bo'lgan (mo'min)lar kofirlarga qahrli, o'z oralarida (mo'minlarga nisbatan) esa rahm-shafqatlidirlar. Ularni (mudom) Allohdan fazl va rozilik tilab ruku va sajda qilayotgan hollarida ko'rarsiz. Ularning yuzlarida sajda asoratidan (qolgan) belgilari bordir. Mana shu (sifatlar) ularning Tavrotidagi misollaridir. Ularning Injildagi misollari esa xuddi shoxlar chiqarib, quvvatga kirgach, yo'g'onlashib, o'z novdasida tik turgan, dehqonlarni ajablantiradigan o'simlikka o'xshaydi. (Bu) ular sababli kofirlar jahlini chiqarish uchundir. Alloh ulardan iymon keltirib, solih amallarni qilgan zotlarga mag'firat va ulkan mukofot va'da qilgandir» (Fath surasi, 29-oyat).

“Kim seni u zotdek yaxshi ko'radi?” kitobidan tarjima

Бидъатларга чек қўйиш вақти келмадими?

Келин олиш – мароқли иш. Ширин хаёллар оғушида парвоз қилади киши. Гўё эшикдан нур кириб келаётгандек бўлади. Келиннинг биргина салом билан барча чарчоқлар чиқиб кетади.

Қанийди ҳаммаси шу билан тугаса. Лекин бундай бўлмайди-да. Боиси ўзимизни ўзимиз муаммолар гирдобига отганимиз. Ўзимиз боғланган кишани ечиб юборишга ё ақлимиз етмайди, ё нафсимиз йўл қўймайди. Ёхуд “Одамлар нима дейди?” деган бемаъни андиша тўсқинлик қилади. Аслида, Яратгандан андиша қилинмайдими?! “Одамлар гапиради-қўяди, вассалом”, деймиз-у, лекин...

Бидъат – ўз номи билан иллат. Ундан яхшилик чиқмайди. Масалан, янги қудалар ўртасида ўзаро сарпо-суруқни олайлик. Биргина шу бидъатнинг ўзи қанча дилхираликларга сабаб бўлмоқда. Ҳали боғланиб улгурмаган риштани узади. Куёвнинг онаси қудасининг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, овсину қайноғасига сарпо беради. Келиннинг онаси ҳам шундай қайтариши керак. Йўқса, “уятга қолади”. Фақат қайтарганлари қуданикичалик қимматбаҳо эмас, кўримсизроқ бўлса, кўринг томошани.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Аллоҳ ҳеч бир жонни**

тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмас. Фойдаси ҳам ўз касбидан, зарари ҳам ўз касбидан” (Бақара сураси, 286-оят).

Сохта обрўга эришиш йўлида меҳнат-машаққат чекамиз. Эҳтиёжимиздан ортиқ матоҳлар йиғамиз, уйимиз туриб, ундан-да ҳашаматли уй қурамиз, автоуловимиз бор, лекин ундан ҳам яхшироғини олишга уринамиз.

Буларнинг ҳаммаси қанчадан-қанча оғир меҳнатларимиз самараси. Жуда кўп вақтимиз, нақдимиз, умримизни сарфлаймиз. Лекин, афсус, на мозга келганда вақт топмаймиз, малолланамиз. Албатта, на дунё ва на охирагга кераксиз харажатлар учун қўлимиздаги мол-мулк муҳаббати дилимизга ўрлашади. Нафсимиз қулига айлантиради.

Вақтимиз, бойлигимизни беҳуда сарфламай, илм олиш, соғлом ҳаёт қуриш, етим-есирга ёрдам беришга ажратсак, фойдали эмасми?!

Ҳар биримиз шу кунгача босиб ўтган ҳаётимизга бир назар солайлик. Дунёга келиб-кетишимиз учун арзигулик иш қилдикми? Бу ёғига қандай яшамоқчимиз?

Маликахон СОБИРОВА,
Сурхондарё вилояти

ОЁҒИНГИЗ ОСТИГА ҚЎЙИНГ!

Ибн Асокир “Ад-дуррул ман-сур” номли китобида, Ибн Абу Дунё “Заммуд дунё” номли китобида келтиради: «Ибн Жавзий айтади:

“Менга Жарир ибн Лайс айтиб берди. Бир киши Исо алайҳиссалом билан бирга сафарга чиқди. Улар бир дарёнинг қирғоғига етиб боришди. Уларда учта нон бор эди. Биргаликда иккита нонни ейишди. Биттаси қолди. Исо алайҳиссалом ўрнидан туриб, дарёдан сув ичди ва қайтиб келди. Келганида қолган учинчи нон йўқ эди. Исо алайҳиссалом сўради:

– Нонни ким олди?

– Билмайман!

Улар яна йўл юришди. Бир жойда битта кийик икки боласи билан ўтлаб юрган эди. Исо алайҳиссалом унинг болаларидан бирини чақирди. У келди. Уни сўйиб, пишириб ейишди. Сўнгра Исо алайҳиссалом кийик боласига: “Аллоҳнинг изни билан тур!” деган эди, у тирилиб, ҳеч нарса бўлмагандек югуриб кетди. Шунда Исо алайҳиссалом шеригига деди:

– Мана шу кўрган нарсанг ҳаққи сўрайман, учинчи нонни ким олди?

– Билмайман!

Улар яна йўл юришди. Бир дарёга етиб боришди. Исо алайҳиссалом шеригининг қўлидан тутиб сувнинг устидан юриб кетди. Улар сувдан ўтиб олишгач, Исо алайҳиссалом шеригига деди:

– Сени сув устида юргизган Зотнинг ҳаққи ила сўрайман, нонни ким олди?

– Билмайман!

Улар яна йўл юришди ва бир ерга етиб боришди. Исо алай-

ҳиссалом ердан тупроқ олиб, уни тўплади ва деди: “Аллоҳнинг изни билан олтинга айлан!” Тупроқ олтинга айланди. Исо алайҳиссалом уни учга бўлди. Бир қисмини ўзига олди, бир қисмини шеригига берди, қолган қисмини ажратиб деди:

– Бу бўлак учинчи нонни олган кишига!

Шунда шериги деди:

– Нонни мен олган эдим!

Исо алайҳиссалом унга деди:

– Олтинларнинг бари сенга.

Аммо энди менга шерик бўла олмайсан!

Исо алайҳиссалом жўнаб кетди. Ҳалиги кишининг олтидан икки йўлтўсар ўтиб қолди. Улар уни ўлдириб, олтинларни олишни исташди. У деди:

– Нега мени ўлдирасизлар? Олтинни учга бўлиб олсак бўлади-ку!

Улар овқат учун шерикларидан бирини шаҳарга юбормоқчи бўлишди. Овқатга кетган кишининг нияти бузилди. У овқатга заҳар қўшиб, олтинларнинг барига эга чиқмоқчи бўлди. Қолган икковлон эса овқатга кетган шерикларини қатл қилиб, олтинни иккига бўлиб олишга қарор қилишди. Шериклари овқат олиб келгач, унга ташланиб ўлдиришди. Сўнгра овқат ейишга тушишди. Овқатни егач, заҳар уларга таъсир қилди ва иккови ҳам ўша ерда жон берди.

Бироздан сўнг Исо алайҳиссалом бир қанча кишилар билан у ерга қайтиб келди. Уларни кўриб шерикларига деди:

– Дунё мана шунақа, эҳтиёт бўлинглар!

Дунёдаги энг бадбахт киши фақатгина мол жамлаш билан

машғул бўлган инсондир. Моли ҳаромданми ёки ҳалолданми, парво қилмайди. У ҳеч қачон тўймайди, қаноат қилмайди!

Аслида, у молга эга эмас, моли унга эгадир. Зоҳирда у молнинг хўжайинига ўхшаб кўринса-да, аммо у молига хизматкордир. Уни меросхўрларига кўпайтириб беради. Улар мазза қилиб фойдаланишади. Ҳисобни эса у беради!»

Бу менга миллионернинг ҳайдовчиси ҳақидаги ҳикояни эслатди. Бир миллионер ҳамма нарсасини хотинига қолдириб вафот этди. Хотини эса унинг ҳайдовчиси билан турмуш қурди. Ҳайдовчи мард ва омонатдор киши эди. У айтади: “Мен узоқ йиллар миллионерга хизмат қилдим деб ўйладим. Аслида, у менга хизмат қилган экан. У барча молини мен учун жамлаб, сўнгра вафот этди”.

Мол жамлаш айб эмас. Инсон келажаги учун бир нарса йиғиб қўйиши яхши, албатта. Аммо масала мол инсоннинг чўнтагидан ўрин олганми ёки унинг қалбини эгаллаганми, ана шунда. Агар мол унинг чўнтагида бўлса, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам саодатли қилади. Агар мол унинг қалбидан жой олган бўлса, бир дирҳамнинг чиқиши унга худди жони чиққандек таъсир қилади.

Молни бошингизга қўйиб, қийматингизни пасайтирманг. Аксинча, уни оёғингиз остига қўйинг ва мақсадларингизга эришинг!

Абдуқодир САМАРҚАНДИЙ,
“Ургут” жоме масжиди ходими

Мавлоно Масиҳуллоҳ Хон онаси

Замонамизнинг таниқли уламиси Муҳаммад Масиҳуллоҳ Хон раҳимахуллоҳ яқин ўтмишнинг буюк олими ва авлиёси эди. У зот Жанубий Африкадаги кўплаб етакчи олимларнинг устози бўлган.

Унинг онаси ниҳоятда оқила ва диёнатли аёл эди. Ҳар куни кечки овқатдан кейин унга исломий китобларни ўқиб берарди. Онаси китобларни мутолаа қиларкан, унинг кўзларидан тинмай ёш оқарди (*“Масиҳул уммат ҳаёти”, 58-бет*).

Қалби Исломга бўлган муҳаббат билан тўлган онадан гўзал тарбия топган Мавлоно ёшлигиданоқ кенг дунёқарашга, чиройли одобга эга бўлди. Ҳали балоғатга етмасидан фарз, суннат намозларини, ҳатто таҳажжудни қолдирмасдан адо этишга одатланди.

Аслида, она кечгача рўзғор юмушларини бажариб чарчайди. Лекин Муҳаммад Масиҳуллоҳ Хоннинг онаси фарзанди олим бўлиши учун асло эринмас ва чарчамасди. Мана шундай қурбонлик ва фидойилик фарзандларни гўзал ахлоқли қилиб тарбиялайди, уларни кўз қувончимизга айлантиради.

Болалар ҳикояларни яхши кўрадилар. Шу сабабли уларга пайғамбарлар, саҳобалар ва солиҳларнинг ҳаётлари ҳақида ўқиб бериш жуда фойдалидир. Уларнинг онгини асоссиз эртақлар, тўқима ҳикоялар билан тўлдиришга йўл қўймаслик керак.

Оналар фарзанд тарбиясини фақат мажбурият сифатида қабул қилмасликлари керак. Балки иштиёқ, ихлос билан олимни тарбиялаш кераклигидан, шу билан бирга, Аллоҳ таолонинг дўстининг онаси бўлишдан завқланишлари лозим.

Даврон НУРМУҲАММАД
тайёрлади.

Келинимга насиҳат

Ҳурматимни қилсанг, ўзим ўргилай,
Иззатингни билсанг, қизим, ўргилай.
Сендан тилаганим: иймонинг сақла,
Садоқатли бўлиб, ишончини оқла!



Ўғлимнинг вафоли ёри бўлгин сен,
Хонадоннинг номус, ори бўлгин сен.
Яхши сўзли бўлгин, суйдирсин тилинг,
Гар хизматда бўлсанг, очиқдир йўлинг.

Ака-укаларни қилгин иттифоқ,
Кимга бахт келтирган низою нифоқ?
Иймонни жо этиб жон ила танга –
Солиҳ фарзандларни бергил Ватанга.



Қизимга насиҳат

Она қизим, суйиб ўстирдим,
Истагингни қилдим муҳайё.
Ҳар не топсам, сенга деб турдим,
Йўлдошингдир шарм ва ҳаё.
Ўқситмадим, ўқитдим сени,
Қалбга меҳру ҳавасим тўлиб.
Таълимингга жо айлаб динни,
Камол топдинг солиҳа бўлиб.
Ишончимни оқла, розиман,
Ўзим ерга қаратма зинҳор.
Номусингни сақла, нозигим,
Ҳаёсизга ҳеч бўлмагин ёр.
Дур сочилсин айтган сўзингдан,
Бир кўрганлар дуолар қилсин.
Худбинликни қувгин ўзингдан,
Ҳар жиҳатинг намуна бўлсин!



Турдигул УМАРОВА,
Тайлоқ тумани



Наслингиз ва аслингизни бузманг!



Гўзал хулқли ва ширин сўз-ли бу аёлни маҳаллада ҳамма ҳурмат қилади. Беҳуда сўз сўзламайдиган опадан бу хулқни фарзандлари ўрганишини истган қўшнилар уларни аёлнинг олдига юборишади. Оиласида соғлом муҳит ҳукмронлигини кўриб, аёл кишига рўзғорда кўп нарсга боғлиқ эканини тушуниб етасиз. Аёлнинг бу хуш феъли турмуш ўртоғининг ҳам касби баракали бўлишига сабабдир.

Бироқ сиз ўқиб турган мана шу ҳолатнинг тамомила акси ҳақида сўз юритилса-чи? Яъни, аёл ичкиликка ружу қўйган бўлса! Бу ҳақда тасаввурнинг ўзи кишини даҳшатга солади. Бугун айрим аёлларни сархуш ҳолатда жамоат жойларида, автомобил бошқарувида кўрамиз. Масалан, бундан бир неча йил аввал интернет тармоғида ярим тунда юқори тезликда ҳаракатланаётган бир машинани йўл патрул хизмати ходимлари тўхтатишганини кўрсатишди. Ҳайдовчи мастлигидан оёғида туролмайди. Оғзидан келаётган бадбўй ҳидга қўшилиб чиқаётган сўзларини тинглаб “Шу ҳам аёлми?” дегингиз келади.

Ҳатто тўйларда ҳам ўзига ярашмаган хатти-ҳаракатлар

қилаётган ёки рақсга тушаётган аёлларнинг аксарияти сархуш ҳолатда. Афсуски, бундай аёлларнинг атрофдагилари ўзлари кабилар бўлади ва уларни эркаклар ҳурмат қилмайди. Фарзандлари ҳам онасининг бу кўринишидан уялиб, беҳурмат қилишади.

Аллоҳ таоло Моида сураси 90–91-оятларида: **“Эй мўминлар, хамр, қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз! Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўртала-рингизга бузғу адоват солишни ҳамда сизларни Аллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди, холос! Энди тўхтарсизлар!”** деб марҳамат қилади.

Динимизда ҳаром қилинган ичкиликнинг нафақат жамиятдаги юриш-туришимизга, саломатлигимизга ҳам зарарли таъсири бор. Масалан, жигар касаллиги ва унинг оқибатида кўли қалтироқ бўлиб қолиши, ошқозонности беи яллиғланиши, миянинг ва асабларнинг

зарарланиши кузатилади. Шунингдек, оғир турдаги депрессия авж олади ва суицидга (ўзини-ўзи ўлдириш) мойиллик ҳам кучайиши мумкин. Энг ачинарлиси, ҳомиладор аёл ичкилик ичса, юрак ва бошқа аъзоларида туғма нуқсонли, жисмоний ва ақлий ривожланишдан ортда қоладиган бола туғилади.

Баъзан ичкиликка берилган оилаларда ҳам соғлом фарзанд туғилади-ку, деган хулоса чиқаришга шошмаслик керак. Сабаби, мутахассисларнинг фикрича, кейинчалик ҳам ичкиликнинг салбий жиҳатлари болада кузатилиши мумкин экан.

Ижтимоий тармоқлардаги маълумотларнинг бирида француз врачлари Деммэ 28 йил давомида ўнта оилани кузатгани айтилади. Эр ҳам, хотин ҳам ичкиликка берилган. Бу оилаларда 57 нафар бола туғилган, улардан 25 нафари ёшига тўлмай ўлган, 5 нафарида тутқаноқ, 5 нафарининг бош миясида сув, 12 нафари жинни бўлган. Бу рақамлар қанчадан-қанча носоғлом болаларнинг дунёга келаётганини кўрсатади. Шунингдек, ичкилик оқибатида оилавий можаролар, жиноятлар кўпайиб борган.

Нодавлат телеканаллардан бирида эфирга узатилган кўрсатувда коллеж ўқувчиси – ёш қизнинг зарарли одатлари ва унга отасининг хотиржам муносабати оиладаги носоғлом муҳитни ифодалайди.

Улар қизнинг мазкур ҳолатини кўриб лоқайд бўлишган. На отани тартибга чақиришган ва на қизнинг тарбияси ҳақида қайғуришган. Лоқайдлик иллати ҳам аёл-қизларимизнинг ичкилик ичишларига сабаб бўляпти. Бир болага етти маҳалла ота-она бўлган, кўни-қўшничилик, маҳалла-қўй, қон-қариндошлик... оқибат... қаерда қолди? Кўчангизда, маҳаллангизда, туманингизда болалар бузилиб, сизнинг фарзандингизга ҳам таъсир этаётган бир вақтда қандай хотиржам яшаш мумкин? Бугун айтилмаган насиҳат, кўрсатилмаган эътибор, амалга оширилмаган кенгаш ўзимизга тўқмоқ бўлиб келмасмикин?

Бу дунёмиз ва охирагимиз учун зиён бўлган мазкур иллатдан йироқ бўлишимиз яқинларимиз, жамиятимиз учун муҳим эканини унутмайлик. Хусусан, аёлларнинг гўзаллигига, ҳаёси ва шаънига путур етказадиган, насли ва аслини бузадиган сархушликнинг зиёнларини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Камола АДАШБОЕВА

Доктор Муҳаммад
Ротиб Нобулсий

Болага муҳитнинг таъсири

Азиз биродарлар! Болаларнинг тўғри ҳамда чиройли гапириши учун биринчи ва асосий сабаб уйдаги тарбиявий муҳитдир. Агар ота баъзан ғабланган вақтида ҳақоратли сўзлар ишлатса, бола отасининг сўкишларини эшитса, унга салбий таъсир қилади. Бола ҳам жаҳлланганда тақлид қилади. Катталар: “Болам фаҳш сўзлар ишлатишига сабаб нима?” дейишади. Аслида, бунга отанинг ўзи айбдор. Чунки у ғабаб отига минганда ўзини тутолмаган. Бола жаҳлим чиққанда сўкинсам, фаҳш сўз ишлатсам бўлади, деган хулоса чиқарган. Ёш бола вазиятни таҳлил этолмайди. Шунинг учун кўрганини қилади.

Ота уйида одамларни мазах қилса, бу ҳам изсиз кетмайди. Бола ўзининг дўстлари билан бу иллатни такрорлайди.

Агар ота боласига намуна эканини, ўғли ё қизи ўзига тақлид қилишини билса, аввало, сўзига аҳамият берсин.

Эй ота-оналар, сиз сўзларингизни тартибласангиз, албатта, болалар ҳам тартибли сўзлашади.

Тилнинг тўғри бўлиши ахлоқнинг бошидир ва унга мукофот бор. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламдан “Биз айтган гапимизга жавоб берамизми?” деб сўраган Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу: **“Эй Муоз, одамларни дўзахнинг энг тубига фақат тиллари ҳосил қилган нарса ағдаради-ку, билмайсанми?!”** деганлар (Имом Табароний ривояти).

Имом Аҳмад Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда: **“Банданинг қалби тўғри бўлмагунча, иймони тўғри бўлмайди. То унинг тили тўғри бўлмагунча қалби тўғри бўлмайди”**, дейилади.

Умид қиламанки, ота-оналар, муаллимлар ўзлари ва болаларнинг тиллари тўғри бўлишига эътибор қилишади. Албатта, тарбияга чақирадиган ибораларни танлаб ишлатиш лозим.

**Орифахон
ЮНУСХЎЖАЕВА**
таржимаси

Аҳмад Лутфий ҚОЗОНЧИ

Ўгай она

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

– Ҳусайн!
– Лаббай, она!
– Пишакнинг кўзларини кўряпсанми?

Ҳусайн қаради ва ҳайратдан қичқирди.

– Аааа... Она, мушукнинг кўзлари нотўғри экан!

Фотимахоним кулди:

– Қанақасига нотўғри, ўғлим?

– Хато! Бири бир рангда, иккинчиси бошқа рангда.

– Кўрдингми, ўғлим, менга “Сизнинг кўзингиз нега кўк?” дегандинг. Ҳатто бир пишакнинг икки кўзи турли рангда. Аллоҳ шундай яратган.

– Хўп, ундай бўлса, Хайрия ким, она?

– Менинг бир исмим Хайрия, билмайсанми, бўталоғим?!

– Билмайман.

– Унда оқшом отанг келганда сўрайсан. Мен индамай тураман.

– Ишондим, она, сўрамайман.

– Йўқ, оқшом сўраймиз.

Одилбек дўконда ўтираркан, қўшни бола қўлида бир конверт билан келди:

– Буни Фотима янгам бериб юборди, амаки, – деб хатни узатди.

Мактуб икки сатрдангина иборат эди: “Оқшом сиздан Ҳусайн менинг исмимни сўрай-

ди. Бугундан эътиборан иккинчи исмим Хайриядир. Сабабини тушунтираман”.

Одилбек хатни ўқиб, ўйга толди. Ҳусайн нега Фотиманинг отини сўрадийкан? Нега исми Хайрия бўлди экан? Бирор эзма, бўлар-бўлмас гапларни лақилладими? Уйланганидан бери чехралари очилиб қолган болаларидан омад юз ўгирмоқдами?

У оқшомни жониқиб кутди. Ўйга бориши билан кўзлари болаларининг юзларида бўлди. Ҳеч нарса англамади, овқатланаркан, Фотимахоним:

– Қани, ўғлим, отангдан менинг отимни сўра-чи?! – деди.

– Ота, онамнинг исми нима?

– Фотима, ўғлим.

– Бошқа оти борми онамнинг?

– Бор, бир оти – Хайрия. Аммо биз кўпинча Фотима деймиз. Нега сўраяпсан, қўзим?

– Бугун бир хотин мени етим, деди. “Онанг тирик юрса, шундай бўлармиди?” деди. Онам Хайрия эканини айтди.

– Хўш, сен ишондингми, Ҳусайн?

– Йўқ, ишонмадим. Менинг онам соғ, дедим.

– Хўш?

– “Бу сенинг ўгай онанг, сени алдашпти”, деди.

– Онанг ўлиб-ўлмаганини мен

билмай, улар билиб қолибдими? Инсон бир йил касал ётса, дарҳол ўладими? Мана, кўрма-япсанми, тузалиб келди.

Фотимахоним хонадан чиқиши билан Одилбек Ҳусайнни ёнига ўтқазди.

– Ўғлим, онанг сени уряптими?

– Йўқ, ота!

– Ёмон сўз айтадимми?

– Айтмайди.

– Сизларни яхши кўрадимми?

– Жуда яхши кўради.

– Хўш, ўгай она бўлса, шундай қилармиди?

Бир куни Одилбек дўконга кетаётганида Фотимахоним:

– Рухсат берсангиз, болаларни энасига олиб бориб келсам, – деди.

– Майли, боринглар. Мендан ҳам салом денглар.

Одилбек кетгач, Фотимахоним болаларни чиройли кийинтирди. Юз-қўлларини ювди, сочларини таради. Иккисини ёнига олиб йўлга чиқди.

Ўн-ўн беш кунда бир келиб, бу бемор аёлни зиёрат қилиб, ҳатто уй ишларига қарашар, бу борди-келди билан невараларини унга кўрсатиб кетарди.

Одилбек қайнонасидан Фотиманинг келиб туришига илк бор



рухсат сўраганида у рози бўлмади. “Қизим ўрнига келган хотинга қандай қарайман?! Келмасин, кўрмайин!” деди.

Одилбек: “Болаларни ўз боласидай яхши кўради, ўз боласидай қарайди. Бу ёққа келишдан мақсади – невараларингизни сизга кўрсатиш, сизнинг кўнглингизни олиш. Невараларим ўгай она қўлида қолди, деб хафа бўлманг, ўзингиз кўринг. Балки болалар ҳам сизни соғингандир”, дегач, рози бўлди. Ва тўйдан ўн беш кун ўтгач, уни кўргани келдилар.

Аёл уларнинг келишига чидаёлмади, кўз ёшларини тутолмади. Бу куёви, бу неваралари, аммо мана бу ким? Қани Хайрияси? Қани беш-олти йил аввал ёпинчиқ ёпиниб, келиб-кетиб турадиган жигаргўшаси? Ёшлик завқига тўймаган, дард устига дард чеккан, ниҳоят, икки маъсум гўдагини қолдириб кетган гул юзлиси қани? У бир уюм тупроқ бўлиб, унинг ўрнига келиб ўтирган, болалари уйига эга чиққан бу хотин ким бўлди? Не юз билан бу уйга қадам қўйди? Қизини эсига тушириб, “Қара, қизингнинг ҳамма нарсасига мен эга бўлдим”, дегани келдими бу ерга? Ортиқ ўйлашга фурсат бўлмади. Шундоқ қўлини ўпган болаларига “Раҳмат, соғ бўлинг!” деркан, орқаларидан Фотимахоним:

– Қалайсиз, яхшимисиз, она? – деб қўлини ўпди. Аёл йиғлаб юборди.

– Катта она, нега йиғлайсиз?

Фотимахоним олдинроқ ҳаракат қилди:

– Йиғламасинларми, ўғлим, қара, энанг хаста-ку?!

Одила Фотимахонимнинг қучоғида, Ҳусайн эса бувисининг ёнида ўтирарди. Момо бемор бўлишига қарамасдан Фотимахонимнинг болаларга муносабатини кўздан қочирмасди. Тўғриси айтганда, Фотима болаларни ўзига жалб этишни уйдларди. Ҳусайннинг “Она!” дейишига “Лаббай, онасининг жони!” дея жавоб бериши бунга мисолдир. Унга “Нима дейсан?” ва ҳатто “Жим, суҳбатлашяпмиз!” дея олиши мумкин эди. “Онасининг жони” деркан, бунда ўзини кўрсатишдан асар ҳам йўқ, гапиришидан, овоз оҳангидан сезилмасди. Аксинча, ҳақиқий она меҳри, муомаласи бор эди унда. Келганлар яна келишни ваъда этиб хайрлашаркан, катта онанинг кўнглида бир чимдим ҳузур ва хотиржамлик қолдирардилар.

Фотимахоним биринчи келганидан кейин Одилбекнинг рухсати билан яна бир неча бор келди. Ҳар келишида катта онанинг кўнгли янада илий бошлади. Мана бугун яна боряпти. Момонинг кўнглини олишни ўзига бурч деб билди. Бемор буви бироз тузалганди, уларни туриб қарши олди:

– Марҳамат, қизим, хуш келибсиз, – дер экан, овози бу ташрифдан мамнунлигини билдирарди. Ўтирдилар, ҳол-аҳвол сўрашишди, суҳбатлашишди. – Фотима қизим, мана бу ерда иккита олма бор. Бирини ўзингиз олинг, бирини болаларга бўлиб беринг.

Фотимахоним турди, олмаларни олди ва кесди, болаларга бўлиб берди.

– Ўзингиз нега олмадингиз?

– Шулар еса, мен егандайман.

Бироздан сўнг болалар боққа чиқиб кетишди. Улар чиқиб кетиши билан буви:

– Фотимахоним, тўғриси айтганда, куёвимнинг уйланиши мени ўлгудай хафа қилди. Қизим вафот этганига энди бир йил бўлди. Болалар бошига ўгай она келтирди, деб ўзимни еб адо қилдим. Бу ерга илк келмоқчи бўлганингизни Одилбекдан эшитганимда “Келмасин, кўзим кўрмасин”, дедим. Аммо мен янглишган эканман, қизим. Ҳар келганингизда бироздан сизга илиб бордим. Илк келиб-кетганингиздаёқ кечгача хафачилигим енгиллашди. Уларга ўз болангиздай қарашингизда камчилик йўқ. Албатта, болаларни кўрганимда раҳматли фарзандимни хотирламай бўлмайди.

Чидаёлмайман, аммо бу унинг ўлими туфайли пайдо бўлган ғуссадир. Гўдакларимни боши эгик ҳолда қолдирмадингиз, етим эканини билдирмадингиз, уларга ўгай бўлганингизни сездирмадингиз. Мен уларни йиғлатасиз, деб ўйласам, кўзёшларини аритдингиз. Дардларига дард қўшади, деб тахмин этсам, сиз дардини олдингиз, ҳамдард бўлдингиз, дардларига дармон бўлдингиз. Аллоҳ сиздан рози бўлсин, икки дунёда уялтирмасин! Бу даража аёллик – инсонийликни сиздан кутмагандим, тўғриси...

(Давоми бор.)

Йўлдош ЭШБЕК

таржимаси

Она ва бола саломатлиги

Ҳар куни истеъмол қилиниши зарур бўлган уч табиий маҳсулот

Олма. Ҳар куни истеъмол қилиш зарур бўлган энг муҳим маҳсулотлардан биридир. У антиоксидант хусусиятларга эга табиий кимёвий моддаларга бой.

Сабзи. Тиббиёт ходимлари сўзларига кўра, сабзи моддалар алмашинуви тизимига ижобий таъсир кўрсатиб, ичак фаолиятини яхшилади.

Грек ёнғоқлари. Бу маҳсулот қон босими ва холестерин миқдорини барқарорлаштиради.



Соя – аёллар учун зарарли


Кўпчилик соя қўшиб тайёрланган таомлар аёллар саломатлиги учун фойдали деб ҳисоблайди. Аслида эса бунинг акси: соя кўкрак беи саратонининг юзага чиқишига омил бўлиши мумкин.

Олимлар кўкрак саратони билан оғриган ёки оиласида шу касалликка чалинганлар бўлса, имкон қадар соя истеъмолини чеклашни тавсия этишади.

Эмизиш болада иммунитетни оширади

Онанинг сути билан биргаликда унинг антикорлари ҳам болага юқади. Бу эса болани ҳимоя қилишга ёрдам беради. Шунингдек, она сути чақалоқнинг ичак фаолиятига яхши таъсир кўрсатади.

Сут тишларни асраш керак



Тишлар ёриб чиққунига қадар бола тонгда уйқудан уйғонгач ва ухлашдан олдин милкларини юмшоқ шимгич (мочалка) билан артинг. Бу бактерияларни йўқотишга ёрдам беради.

Тишлар пайдо бўлиши билан уларни фторли болалар тиш пастаси билан юмшоқ чўткада ювинг. 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларнинг тишларини кунига 2 марта 2 дақиқадан ювиш керак.

Болани шиша идишдаги ичимлик ёки егулик билан ухлашга ётқизманг. Бола 12–15 ойлик бўлганида уни оддий пиёладан сув ичишга ўргатинг. Ана шунда тишлар орасида суюқлик тўпланмайди.

Фарзанд руҳиятини барбод қиладиган сўзлар:



1. Болани ҳайвонга мисол қилиб, ҳақорат қилиш.
2. Турмуш ўртоғингиз аламини фарзанддан олиб, бўлар-бўлмас сўзларни айтиш.
3. Болани бошқа тенгдошларига солиштириш. Бу боладаги ишончни сўндиради.
4. Ҳеч нимани тушунмасликда айблаш.
5. Бола истакларига ҳамиша рад жавобини бериш.

Қулоқни қачон тешиш керак?



Қиз бола олти ойлик бўлгунга қадар қулоғини тешиш тавсия этилмайди. Чунки бу даврда бола танаси ҳали мустаҳкам бўлмайди. Бир ёшли болага ҳам зирак тақмаган маъқул.

Бола қулоғини 1,5 ёшдан кейин тешган маъқул. Бу ёшда бола ҳали қўрқувни ҳис этмайди ва оғриқни тез эсдан чиқаради.